БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 16 ноябрь Жума

№ 219 (13.655). Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ

Жумҳурият Президенти ҳузурида кенгаш

13 ноябрь куни Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов, Молия, Ижтимоий таъминот, Адлия, Савдо, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат режалаш қўмитаси, Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси, Давлат нарх қўмитаси, Давлат ҳисоб қўмитаси, Ўзбекбирлашув, Ўзбекистон маиший маркази, Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият кенгаши, Ўзбекистон Давлат банки, Ўзбекистон саноат қурилиш банки, Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки, Ўзбекистон уй-жой-ижтимоий банки, Ўзбекистон жамғарма банки, Ўзбекистон ташқи иқтисодий банки, Ўзбекистон инновация тижорат банки, бошқа идоралар раҳбарлари ва мутахассислари, жумҳуриятнинг етакчи иқтисодчи олимлари иштирокида кенгаш ўтказди.

Президент ўзининг кириш нутқида жумҳурият бозор муносабатларига ўтиши муносабати билан боғлиқ хавотирлик ушбу учрашувни ўтказишни тақозо этганлигини айтди. Бу хавотирлик истеъмол бозорида моллар тақчиллиги кучаяётганлиги, нарх-наво ошиб, пул қадрсизланаётганлиги ва чайқовчилик кўпайиб бораётганлиги билан боғлиқ объектив асосларга эгадир. Мамлакатдаги иқтисодий вазиятнинг умумий беқарорлиги, бир қанча жумҳуриятлар Ўзбекистон учун халқ истеъмол моллари ва ишлаб, чиқариш-техника мақсадлари учун мўлжалланган маҳсулотни етказиб бериш юзасидан ўз шартномавий мажбуриятларини барбод этаётганликлари ҳам аҳолини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда ва таъминотни барқарорлаштириш юзасидан бизда кўрилаётган тадбирларни анча сусайтирмоқда. Шуни рўй-рост эътироф этиш керакки, жумҳуриятимиз нисбатан бирмунча барқарор эканлиги бизни ва бутун жумҳуриятни хотиржам қилолмайди. Аҳоли бузғунчи кучлар тарқатаётган иғвогарона шов-шувлардан ташвишга тушмоқда.

Жумҳуриятда кўрилаётган тадбирлар, деди Президент, энг аввало аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга ва иқтисодиётни барқарорлаштиришга қаратилган.

Ўзбекистон бозорга сохта илмий назариялар асосида эмас, балки ўзининг аниқ имкониятларидан келиб чиқиб, ўзи белгилаган йўлдан бормоқда. Бозор муносабатларига ўтишнинг ҳар бир янги босқичи аввалги босқичнинг барча вазифалари қандай ҳал этилганига қараб амалга оширилади.

Кейинги 1,5-2 йил ичида, айниқса, қишлоқларда бир қанча кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди. Бу эса ижтимоий кескинликни бирмунча юмшатиш имконини берди. Ана шундай тадбирлар янада ривожлантирилаётганлиги аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашнинг таъсирчан системасини ишлаб чиқишни ва амалга оширишни ўз ичига олади. Истеъмол бозорини нормал изга солиш, моллар тўғрисидаги таклифни ва тўлов қобилиятига эга бўлган эҳтиёжни мувофиқлаштириш, кучайиб бораётган пул қадрсизланишининг олдини олиш, чайқовчиликка қарши кураш, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан яхши ҳимоя қилинмаган табақаларига ва кам таъминланган оилаларга, кам иш ҳақи оладиган меҳнаткашларга давлат ёрдами бериш, аҳоли даромадлари ва жамғармаларини индекслаш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Барча масалалар юзасидан амалий муҳокама бўлиб ўтди, уларни амалда рўёбга чиқаришга доир таклиф айтилди.

Пировардида Ўзбекистон Президенти жумҳуриятнинг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиши шароитида аҳолини давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилиш системаси воситасини шакллантиришга оид аниқ-равшан вазифаларни ўртага қўйди. Вазирликлар ва идораларга тегишли топшириқлар берилди ва уларни бажаришнинг қатъий муддатлари белгиланди.

Кенгашда Ўзбекистон ССЖ вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов иштирок этди.

ЎзССЖ Президенти матбуот хизмати.

Ўзбекистон ўқитувчилари анжумани қатнашчиларига

Ҳурматли ўртоқлар!

Халқимиз азалдан ўқитувчи ва мураббийларнинг олий ҳимматини, уларнинг ғоят инсоний ва масъулиятли меҳнатларини қадрлаб келган. Дунёда нуфузли касблар кўп, аммо улар орасида ўқитувчилик касби алоҳида юксак мавқега эга. Айни замонда ўқитувчи касбига ниҳоятда катта талаблар қўйилади, чунки биз мураббий, муаллим қўлига фарзандларимиз тақдирини ишониб топширамиз.

Ўзбекистон ўқитувчиларининг анжумани жамият ҳаётида кескин ўзгаришлар бўлаётган бир вақтда ўтмоқда. Бу ўзгаришлар, айниқса, жамиятимизнинг навқирон вакилларига биринчи даражали эътибор берилишини ва шу билан бирга ўқитувчиларнинг юксак маърифатли, маданиятли ва маънавий жиҳатдан пок бўлишларини тақозо этади.

Юртимиз равнақи, халқимиз келажаги сизларнинг қўлингизда таҳсил кўраётган ва тарбия олаётганларнинг нечоғлик зийрак, ватанпарвар, байналмилалчи ва билимли бўлиб ўсишларига боғлиқдир.

Таълим-тарбияни биз умуман олганда кенг маънода тушунсак-да, у ўзида аниқ мақсадларни ҳам ифода этмоғи лозим. Шу маънода биз элимиз, юртимиз, заминимиз, муқаддас тупроғимиз қадрига етадиган, уни тавоф қиладиган фарзандларни камол топтиришга алоҳида эътибор бермоғимиз керак. Бусиз Ўзбекистоннинг келажаги йўқ. Буни ҳаммамиз тушуниб олишимиз шарт.

Ўзини қадрлай олувчи жамият ўқитувчи ҳурматию, мураббий иззатини жойига қўя билмоғи зарур. Мана шу вазифа барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Биз узоқ йиллар давомида муаллим ва мураббийларнинг ҳуқуқини, талаб-эҳтиёжларини қондирмай, ҳатто кези келганда уларнинг қадриятларини камситиб инсофсизлик қилдик, қолаверса ўзимиз ва янги авлодлар учун муаммо устига муаммо орттирдик. Натижада энди аввал керагидан ҳам бир неча карра кўпроқ маблағ эвазига бу муаммоларни ҳал этиш йўлларини қидиришга тўғри келмоқда.

Биз ўзларини эл ишига бағишлаган, инсон тарбиясига жон тиккан олижаноб ўқитувчиларни, мўътабар мураббийларни бундан буён ҳам бошимизга кўтарамиз. Ва айни замонда, ўқитувчилар ҳам ўз номларига муносиб тарзда — бугунги мафкуравий, маданий, маърифий янгиланишнинг етакчи даргалари бўлишлари зарур деб тушунамиз.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш дастурида болаларни, оилани, халқ таълимини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш масалалари алоҳида таъкидланган. Жумҳурият изчил равишда таълим-тарбия ва ўқув юртлари фаолиятини молиявий томондан мустаҳкамлаб боришни, педагог меҳнатини ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантиришни [illegible] қилади.

Биз таълим-тарбия ишига барча меҳнат жамоаларини, ота-оналарни, зиёлиларни, айниқса, [illegible] кенг жалб қилган ҳолдагина жумҳуриятимизнинг маорифи истиқболини таъминлашимиз мумкин.

Таълим-тарбия соҳасида жаҳоннинг энг илғор тажрибаларини ўзлаштирган ҳолда, айниқса, тарих синовларидан ўтган ота-боболаримизнинг миллий анъаналарини ўрганиш, ўзлаштириш ва янада ривожлантириш йўлидаги меҳнатингизга барака тилайман.

Сизларни, Ўзбекистон ўқитувчиларининг конференцияси делегатларини ва сизлар орқали жумҳуриятимиздаги барча муаллим ва мураббийларни чин юракдан қутлашга рухсат этгайсизлар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президенти И. КАРИМОВ.

ССЖИ Давлат нарх қўмитасида

«Халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишлари»га мувофиқ истеъмол бозорини нормаллаштириш, чайқовчилик ва меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш, камёб халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида ССЖИ Вазирлар Кенгаши 1990 йил 15 ноябрдан аҳоли турмуш даражасига унчалик таъсир кўрсатмайдиган зеб-зийнат буюмлари ва бир қанча молларнинг шартномавий (эркин) чакана нархларини шакллантиришга ўтиш тўғрисида қарор қабул қилди. Жумладан, заргарлик буюмлари; катталар учун табиий мўйнадан тикилган буюмлар; гиламлар ва гилам буюмлари; бадиий юксак даражада тайёрланган чинни ва фаянс буюмлар, биллурдан ясалган буюмлар, юқори даражадаги техник жиҳатдан мураккаб радиоэлектрон буюмлар, юқори сифатли мебелнинг айрим турлари, гарнитурлар, бадиий юксак даражада бажарилган тўпламлар; чет элда ишлаб чиқарилган бир қанча моллар; енгил автомобилларга эҳтиёт қисмлар; тансиқ балиқ маҳсулотлари ва гўшт маҳсулотлари айрим турларининг нархи ана шу қоидалар асосида белгиланади. Бу рўйхатга, шунингдек, чет элда ишлаб чиқарилган моллар, жумладан, виски, жин, Америка сигареталари қўшилади.

Чакана нархлар молларни тайёрлаган корхоналар томонидан савдо ташкилотлари билан келишилган ҳолда бозордаги аҳволни ҳисобга олиб (таркиб топган талаб ва таклиф асосида) белгиланади.

Ушбу молларга шартномавий (эркин) нархларни белгилаш воситаси тўғрисидаги низом тасдиқланди.



Давлатга 43 тонна гўшт топширган Ульянов номидаги давлат хўжалигининг бу маҳсулоти ярмидан кўпроғини олти фермер хўжалиги етиштирган. Улардаги мол түёғи ҳам унча кўп эмас. Бор-йўғи юз бош. Аҳолининг сут-қатиқ, гўштга бўлган эҳтиёжини қондиришда, айниқса, фермер Қобулжон Алимов ихтиёридаги хўжаликнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Боз устига улар топшираётган сутнинг ёғлиқлик миқдори кўнгилдагидек. 4,1 ўрнига 4,2 фоизни ташкил қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, янги соғилган сутларни хўжаликдаги болалар боғчаси, мактаблар ўқувчилари, автобаза ишчилари истеъмол қиладилар.

СУРАТДА: Қ. Алимов (ўртада) оиласи Равзахон ва ҳайдовчи Луқмон Холдоровлар.

А. КОВТУН сурати.

(ЎзТАГ).

М. С. ГОРБАЧЕВ ҳарбий хизматчи депутатлар билан учрашди

ССЖИ Президенти М. С. Горбачевнинг ҳарбий хизматчи — халқ депутатлари билан 13 ноябрь куни бўлиб ўтган учрашувида армия турмушининг энг муҳим муаммолари муҳокама қилинди. Давлат бошлиғининг Ватан ҳимоячилари билан бир неча соат давом этган мазмундор мулоқотида халқ депутатларидан 1100 киши қатнашди, барча иттифоқдош жумҳуриятлардан Москвага келган бу депутатлар қишлоқ ва қўрғон Советларидан тортиб то ССЖИ Олий Кенгашигача бўлган давлат ҳокимияти барча органларининг вакиллари эди. Учрашувда қатнашган халқ депутатларининг кўпчилиги бевосита Қуролли Кучларда ишлайди.

ССЖИ Президентлик Кенгашининг аъзоси, мамлакат мудофаа вазири, Совет Иттифоқи маршали Д. Т. Язовнинг ва ҳарбий хизматчи депутатларнинг нутқларида кўпгина масалалар кўтарилди. Совет кишилари социалистик Ватанни ҳимоя қилиш соҳасидаги ўз конституциявий вазифаларини бажаришларидан тортиб, оқилона етарли даражадаги ҳарбий-сиёсий доктрина муносабати билан мамлакат мудофаа қобилиятини зарур даражада сақлашгача, Совет Қуролли Кучларининг обрў-эътиборини мустаҳкамлаш ва ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш вазифаларидан тортиб, ҳарбий хизматчилар ва улар оилаларининг шон-шарафи ҳамда қадр-қимматини, ҳаёти ва соғлиғини сақлашгача бўлган вазифалар шу жумлага кирди.

Деярли ҳар бир нутқда мамлакатдаги ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазият хусусида гапирилди. Шу муносабат билан Молдова, Латвия, Эстония, Грузия, Арманистондан келган турли даражалардаги Советлар депутатлари бўлган нотиқларнинг нутқлари айниқса ўткирлиги билан ажралиб турди. Жумладан, Молдовадаги ҳозирги вазиятни жумҳурият ҳудудига ССЖИ Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинларини дарҳол киритиш ва иттифоқ шартномасини тезроқ тузиш йўли билангина барқарорлаштириш мумкин, деган фикр айтилди.

Кўп кишилар мамлакатнинг олий раҳбарияти «қўш ҳокимиятчилик»ка барҳам бериб, иттифоқ қонунларига жойларда риоя этилишини таъминласин, деган фикрни изҳор этдилар.

Нотиқлардан бири Болтиқбўйида кузги чақириқнинг аҳволи ҳақида гапириб, мудофаа тўғрисидаги қонун тасдиқлангунга қадар ССЖИда муқобил меҳнат хизмати тўғрисида муваққат низомни дарҳол қабул этишга; миллий мактаблардаги таълим бир йил узайтирилганини эътиборга олиб, ҳарбий хизматга чақиришни 19 ёшдан бошлаш имкониятини кўриб чиқишга; армияга чақириш ва ундан бўшатишни йилига бир марта ўтказишга, ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига нафақани кўпайтиришга чақирди.

ССЖИ Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш муаммолари хусусида бир талай таклифлар айтилди. Жумладан, бу ишни жадаллаштириш, уни Қуролли Кучларни қисқартириш билан айни бир вақтда ўтказиш зарурлиги ҳақида гапирилди. Бу ишда тажрибали ҳарбийларгина эмас, бутун жамият ҳам иштирок этиши муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

Сўзга чиққан кишиларнинг ҳаммаси ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший мақоми масалаларига бирон-бир тарзда тўхталиб ўтди. Кўпгина ҳарбий депутатларнинг фикрича, бозор муносабатларига ўтилиши ҳарбий хизматчилар ва улар оилаларининг турмуш даражасини баттар пасайтириб юбориши мумкин.

Бир қанча нутқларда оммавий ахборот воситалари томонидан армия турмуши ва армиянинг жамиятдаги тутган ўрни ноҳолисона ва кўпгина нотиқларнинг фикрича, қоралаб ёритилаётганлигига қарши норозилик сўзлари янгради. Шу билан бирга «Взгляд» телекўрсатув программасининг муаллифлари шаънига энг кўп танқидий мулоҳазалар айтилди. Нотиқлар матбуотни амалий иш қилишга, «бир томонлама фикрлар хилма-хиллигини» бартараф этишга чақирдилар.

Сўнгра ССЖИ Президентига сўз берилди. У ССЖИнинг ягона Қуролли Кучларини ҳамда уларни умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги қонун асосида бутлаш қоидасини сақлаб қолиш зарурлигига ишончи комил эканини билдирди.

М. С. Горбачев баъзи жумҳуриятларда ўз армияларига эга бўлиш зарурлиги ҳақида айтилаётган даъволарга тўхталиб, бу даъволарда ҳақиқий аҳволни тан олишдан кўра сиёсий найранг кўпроқ эканини айтди. Ҳарбий хизматга чақириш тўғрисидаги масала федерация кенгашининг яқин орада ўтказиладиган мажлисларидан бирида ёки ССЖИ ҳукуматида барча жумҳуриятлар ҳукуматларининг бошлиқлари иштирокида кўриб чиқилади, деди у.

ССЖИ Президенти учрашув қатнашчиларидан бирининг саволига жавоб қайтариб, Болтиқбўйи жумҳуриятларини Совет Иттифоқи ҳудудининг бир қисми деб ҳисоблаётганини айтди. Уларнинг ССЖИ Конституциясига зид бўлган барча қонун ҳужжатлари ҳақиқий эмас, деб эълон қилинганини Президент эслатиб ўтди.

У ҳарбий тўнтариш эҳтимоли хусусидаги қуракда турмайдиган гапларга, армиямизни ёвуз режалар тузишда айблаш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши эканини айтди. Мамлакат ва бутун дунё олдида бундай уринишларни қатъиян рад қилиш керак, деди М. С. Горбачев. Армия ўз ўрнини ва масъулиятини билади, у ҳамиша халқ билан бирга бўлади, деди у.

Президент учрашув вақтида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори ва нуфузи ҳозирги даражаси ҳақида билдирилган мулоҳазаларга жавобан, жумладан, бундай деди: биз замонавий, самарали армияга, дунёдаги ишларнинг ҳозирги аҳволига муносиб ишончли хавфсизликни таъминлай оладиган қудратли қуролли кучларга эга бўлишимиз керак. Башарти аҳвол бошқа томонга ўзгарадиган бўлса, армия ҳам ўзгаради, бироқ ҳозирги армия — давлатнинг энг муҳим қуролидир.

М. С. Горбачев мамлакат раҳбарияти қуролли кучлар ислоҳоти муаммосини диққат марказида тутаётганини тасдиқлади. Армия билан боғлиқ бўлган қонунлар — ҳарбий саноатнинг соҳасини ўзгартириш ҳақидаги, мудофаа тўғрисидаги, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ҳақидаги ва бошқа шу каби қонунлар ишлаб чиқилмоқда, деди у. Президент бу ишга пухта ўйлаб, вазминлик билан ёндашиш кераклигини айтди. Унинг сўзларига қараганда, ислоҳот янги ҳарбий доктрина негизида амалга оширилиши керак, биз дунёдаги яхши ўзгаришлар, халқаро вазият соғломлашганлиги, қуролсизланиш жараёни кучайиб бораётганлиги натижасида мана шу доктринага эришдик.

Иқтисодиётнинг йўналиши ўзгартирилганлиги, уни ҳарбийлаштиришдан воз кечилганлиги ҳам ислоҳотларни тақозо этмоқда, деб таъкидлади Президент. У мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичи муаммоларига батафсил тўхталди.

Нутқда ССЖИнинг ташқи сиёсати масалаларига катта эътибор берилди.

Президент 11 ноябрь куни РСФСЖ Олий Кенгашининг раиси Б. Н. Ельцин билан бўлган учрашув ҳақида гапириб, ундаги суҳбатни масъулиятли, жиддий ва амалий суҳбат деб атади. Буни таъкидлаётганимнинг сабаби шуки, кейинги вақтларда Россия Федерациясининг Олий Кенгаши томонидан қабул этилган бир қанча ҳужжатлар — иқтисодий суверенитет тўғрисидаги, иттифоқ қонунларининг қўлланилиши ҳақидаги ҳужжатлар россияликларни ҳам, умуман иттифоқдагиларни ҳам хавотирликка солиб қўйган эди, деди у. Шу масала хусусида мана шундай бафуржа фикрлашувдан кейин менда марказ ҳам, Россия раҳбарияти ҳам кўп миллатли давлатимизнинг ва барча халқларнинг манфаатларига мос келадиган руҳда иш тутадилар, деган ишонч пайдо бўлди, деб таъкидлади М. С. Горбачев.

Учрашувда КПСС Марказий Комитетининг котиби О. Д. Бакланов қатнашди.

Учрашув ҳақидаги батафсил ҳисобот эълон қилинади.

(ТАСС).

Шу сонга хабар

Гуржистон: мустақиллик йўлида

ГУРЖИСТОН ССЖ Олий Кенгашининг сессияси очилди. Унда Звиад Гамсахурдия номуқобиллик асосида Гуржистон ССЖ Олий Кенгашининг раиси этиб сайланди. У «Давра суҳбати — озод Гуржистон» сиёсий уюшмасига бошчилик қилмоқда.

З. Гамсахурдияни «Грузин Гавели» деб аташади. У «Турғунлик» йилларида муҳожир ва одамлар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи киши сифатида танилган эди. Уни маъмурлар таъқиб этишган, жазо муддатини ўтаган эди. Уни илмий даражага эга бўлган филолог сифатида камроқ танишади.

Янги раис сессияда сўзлаган дастурий нутқида ўз уюшмасининг режаларини баён қилди. Уюшма радикал ташкилот бўлиб, Гуржистонда ўтиш даврини эълон қилишни кўзда тутади. Унинг пировард мақсади жумҳуриятнинг мустақилликка ва давлат суверенитетига эришишдан иборатдир. З. Гамсахурдия айтганидек, «Коммунистик якка ҳокимлик, марказнинг зўравонлигидан» холи бўлиш учун жумҳурият Конституциясига катта ўзгартишлар киритиш ҳам назарда тутилмоқда.

Компьютер ҳисоб-китоб қилади

ҚЎҚОН вино заводи банк ҳужжатларини, бошқа ишлаб чиқариш операцияларини бажариш учун компьютер сотиб олди. Аввал бу иш билан бир неча киши шуғулланар эди. Уларнинг бир кунлик ишини машина бир неча дақиқада бажаради. Компьютер 86 минг сўм туради. Лекин унинг ёрдамида қилинган ҳисоб-китоблар, сарф-харажат тез орада қопланишини кўрсатмоқда.

Тайинлашлар: МАРКАЗДА

ИЛГАРИ ССЖИ Давлат телекўрсатуви ва радиоэшиттириш қўмитасининг биринчи муовини бўлиб ишлаган Леонид Петрович Кравченко ССЖИ Президенти Фармонига биноан Қўмита раиси қилиб тайинланди. Унга телекўрсатув билан радиоэшиттиришни ажратишга ва уларнинг мустақил ишлашига, ихтисослаштирилган дирекцияларнинг ҳамда телекўрсатув ва радиоканаллари бирлашмаларининг фаолиятида ижодий руҳни оширишга қаратилган ички ўзгартишларни амалга ошириш мақсадида ССЖИ Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш қўмитасини қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифларни икки ҳафталик муддатда ССЖИ Вазирлар Кенгашига тақдим этиш топширилди.

* * *

ШУ ВАҚТГАЧА ССЖИ Давлат телекўрсатуви ва радиоэшиттириш қўмитасининг раиси бўлиб ишлаган Михаил Фёдорович Ненашев ССЖИ Президенти Фармонига биноан ССЖИ Давлат матбуот қўмитасининг раиси қилиб тайинланди. Фармонда «Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ССЖИ қонуни кучга киритилиши, ССЖИ фуқароларининг ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқларини амалда таъминлаш зарурлиги, нашриётлар ҳамда полиграфия корхоналарининг ҳуқуқлари ва ваколатларини кенгайтириш, Марказий ва маҳаллий бошқарув идораларининг вазифаларини фарқлаб қўйиш муносабати билан ССЖИ Давлат матбуот қўмитасини тубдан қайта қуриш зарур эканлиги қатъий таъкидланди. М. Ф. Ненашевга янги иқтисодий шароитда ахборот тузиш ва тарқатиш соҳаси давлатнинг мададига, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож эканини назарда тутиб, матбуот ва ахборотнинг амалдаги давлат тузилишини ўзгартиришга оид таклифларни икки ҳафталиқ муддатда ССЖИ Вазирлар Кенгашига тақдим этиш топширилди.

ЖУМҲУРИЯТДА

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Раёсатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жумҳурият Олий Кенгаши ошкоралик қўмитасининг таклифига мувофиқ, «Халқ сўзи» — «Народное слово» рўзномаларининг масъул лавозимларига қуйидаги журналистлар тайинландилар:

ЖЎРАБОЕВ Анвар — «Халқ сўзи» рўзномаси бош муҳаррирининг ўринбосари;

САИДОВ Озод Ражабович — «Народное слово» рўзномаси бош муҳаррирининг ўринбосари;

ПАК Лев Николаевич — «Народное слово» рўзномаси бош муҳаррирининг ўринбосари;

ТЮРИКОВ Александр Владимирович — «Народное слово» рўзномасининг масъул котиби.

Биз ҳамкасбларимизни янги лавозимлар билан чин дилдан қутлаймиз.

Шу сонга хабар

Ўзбекистон комсомоли:

«ҲАММА НАРСАНИ СЪЕЗД ҲАЛ ҚИЛАДИ»

Жумҳурият ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг IX пленумида

Қайта қуриш, ошкоралик ва демократия асосида комсомол ташкилотининг фаолиятига ҳам дадил кириб бормоқда. Жамиятимиз сиёсий ҳаётидаги янгиланиш ва бу ўз бурилишлар ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ташкилоти бўлган комсомолдан ҳам ўз фаолиятида дадил ўзгаришлар қилишни талаб этмоқда. Хўш, бу муҳим жараён Ўзбекистон комсомол ташкилотларида қандай кечмоқда?

Яқинда Ўзбекистон ЛКЁИнинг навбатдаги XXIV съезди ўз ишини бошлайди. У жумҳурият комсомоли ва ёшлари ҳаётида муҳим воқеа бўлади, деб ҳисоблаймиз, чунки ана шу анжуманда кўп масалалар ҳал бўлиши кутилмоқда. Маълумки, бўлажак съездда Ўзбекистон комсомоли мустақил ташкилот сифатида ўз Устави ва Ҳаракатномасини қабул қилади. Уларнинг лойиҳалари бундан икки ой муқаддам ёшлар рўзномалари саҳифаларида эълон қилинганди. Ўтган вақт ичида бу муҳим ҳужжатларга муносабат, таклиф ва мулоҳазалар билдирилган жуда кўп мактублар олинди. Чунки жумҳурият комсомол ташкилотининг келажакдаги тақдири кўпчиликни ташвишга солмоқда.

Куни-кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг IX пленуми съездда кўриладиган масалаларга бағишланди.

Пленумда Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби **А. НОСИРОВ** Марказий Қўмитанинг «Ёшлар аҳволи, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, Ўзбекистоннинг мустақил равнақи йўлида йигит ва қизларнинг жипслашиши учун» Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездига ҳисобот маърузаси юзасидан ахборот билан сўзга чиқди.

— Биз сизлар билан жуда ҳам масъулиятли кунлар бўсағасида дийдорлашиб турибмиз. Олдимизда съезд!, — деди ўз сўзида ўртоқ А. Носиров — Биз унга қай аҳволда борамиз, съездда ташкилотимизнинг келажагини белгилаб берувчи қандай қатъий қадамлар қўямиз, бу кўп жиҳатдан бугунги пленумимизга, сизларга боғлиқ. Мен сўзимнинг бошидаёқ бир нарсани айтиб ўтмоқчиман — бу съезд келажакда ўз аҳамияти, муҳимлиги жиҳатидан олдинги барча съездлардан ўзгача бўлиши керак. Чунки янгиланаётган, ўзгараётган, ривожланаётган жамиятимизнинг ёшлар ташкилоти ўз ўрнида, эски ақидалар доирасида тўхтаб қолиши мумкин эмас. Съездга боғлиқ, комсомолнинг эртанги кунига боғлиқ барча масалаларга ёндашаётганда мана шундан келиб чиқиб фикр қилишингизни илтимос қиламан.

Марказий Қўмитанинг Ўзбекистон комсомоли XXIV съездига ҳисобот маърузаси юзасидан ушбу пленумда ахборот беришдан олдин шуни айтиб ўтмоқчиманки, Марказқўм аъзолари, жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитаси ходимлари сўнгги қарийб тўрт ой мобайнида жуда катта иш амалга оширдилар. Ёшлар орасида социологик тадқиқотлар ўтказилди, «Давра столлари», мунозаралар уюштирилди, рўзнома ва ойномаларимизда чоп этилган мақолалар таҳлил қилинди ва умумлаштирилди.

Маърузани тўлалигича ўқимайман — бугунги пленумда ўқиб ўтиришга шарт эмасдир. Чунки у сизларга тарқатилган.

Маъруза билан танишиб чиққан ҳар бир кишининг хаёлидан бир савол ўтиши мумкин: нега одатдаги маърузалардек рақамлар, макомлар, вилоятлар, ноҳиялар сони кам, комсомол-ёшлар бригадалари рўйхати йўқ, илғорлар, қолоқлар таъкидлаб ўтилмаган, Нега маъруза айнан мана шу тарзда тайёрланди?

Тўғри, аввалги съездларга ўхшаб биз шу осон, синовдан ўтган йўлни ҳам тутишимиз мумкин эди. Лекин ундай қилмадик. Яна «Нега» деган савол туғилиши табиийдир. Келинг, бир фикр қилайлик — гап рақамлардами, рўйхатлардами, кимларнидир мақташда-ю, кимларгадир тош отишдами? Агар шу билан кулфатларимиздан ҳоли бўлсак, бутун муаммоларимиз ечимини топса, албатта, шундай қилардик. Афсуски, бундай эмас.

Бир пайтлар жумҳуриятимизда пахта плани бажарилганда ёки севимли «Пахтакор» футбол командаси олий лигага чиққанда, уни биринчи навбатда комсомолнинг иши, комсомолнинг ютуғи деб кўрсатиш одат тусини олганди. Биз бу гал бундай йўлдан ҳам — гарчи бу йўл биз учун қулай бўлса-да, воз кечдик.

Ўзбек халқида «дўппи деса, калла олиб келиш» деган гап бор. Бир пайтлар айрим амалдорларнинг «қиличи мой кесиб» турган кезларда, ҳамма нарсага қора чиммат орқали қарайдиган кунлар ҳам ёдингизда бўлса керак. Ўнта яхши ишни айтмасдан битта ёмонга ёпишиб, бутун қилинган ишни пучга чиқарган кунларимиз ҳам бўлди. Бу ўз навбатида тайёрлаган маърузаларимизда ҳам ўз аксини топарди. Ҳайриятки, у кунлар ўтиб кетди.

Таъбир жоиз бўлса, биз маърузада жамиятда ва комсомолда юз бераётган жараёнлар ва уларнинг моҳиятини таҳлил қилишга, бу жараёнларнинг ёшлар маънавияти ва кайфиятига таъсири, ёшлар ташкилотининг эртанги кунининг умумий қиёфаси, йўналишлари ва ўзига хос жиҳатлари тўғрисидаги мулоҳазаларимизни айтмоқчимиз, холос.

Маърузада асосан ечимини кутаётган ёшлар муаммолари ва уларни бартараф этиш тўғрисида фикр юритилган. Сабаби, қайси бир киши бугунги кунда комсомолга ҳар қанча тош отмасин, ҳозирги пайтда ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи ягона ташкилот — бу комсомолдир. Шундай экан, бу масалаларни биз кўтармасак, ҳеч ким кўтармайди.

Жумҳурият Олий Кенгашининг бўлиб ўтган учта сессиясида ҳали бирор мартаба бу масалаларни тилга олишмаган эди. Биз уларнинг ечимини тезроқ, уларнинг ноҳилагагина эмас, балки моддий асосли тарзда, ташкилий-сиёсий тадбирлар билан мустаҳкамланган ҳолда бўлиши учун курашишимиз керак.

Маърузада кўтарилган энг асосий масалаларга алоҳида тўхталиб ўтишга рухсат бергайсизлар:

биринчидан, маърузада таъкидланмоқчимизки, Ўзбекистон комсомолининг бўлажак XXIV съездига мураккаб ва масъулиятли вазифалар юкланган. У ҳам бўлса, жумҳурият комсомолини янги типдаги, йигит ва қизларнинг мақсад ва интилишларига ҳамоҳанг бўлган ёшлар иттифоқига айлантиришдир. Уни ёшларимиздан иборат бўлган ёшлар олдида, улар ҳуқуқини ҳимоя қиладиган ташкилотга айлантиришдир.

Иккинчидан, маърузада иттифоқимиз ва жумҳуриятимиздаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг нақадар мураккаблигини тан олган ҳолда, ёш авлодда келажакка, эртанги кунга умид туйғуларини уйғотишга интилганмиз. Шу билан бирга, маърузада бозор иқтисодига ўтиш даврида ёшларнинг ижтимоий ва иқтисодий муҳофазаси таъмин этилмас экан, уларнинг келажакка ишончи суст бўлиб қолади, деган хулосани кўрсатиб беришга уриндик.

Учинчидан, биз илгари ким қандай ишлади, қанча иш бажарди, сифати қандай бўлди, унумдорлик масалаларига жиддий эътибор берардик. Маърузаларимиз ҳам асосан шу ҳақдаги гаплар билан тўлиб-тошган бўларди. Энди эса ёшларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этиш ва ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга асосий эътиборни қаратишимиз керак.

Шуни назарда тутиб, ёшларимизни ижтимоий ҳимоя қилиш зарурлигини ва унинг ҳуқуқий асосини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг «Ўзбекистон ССЖда давлат ёшлар сиёсати тўғрисида»ги Қонунда белгилаб беришни кўзда тутдик.

Биз қайд этиш билан чекланиб қолмай, балки бу Қонуннинг лойиҳасини съезд эътиборига ҳавола қилиб, делегатлар муҳокамасидан ўтгач, жумҳурият Олий Кенгашининг кўриб чиқишига киритишни мақсад қилиб қўйганмиз. Маълумки, ҳар қандай Қонун ўзидан-ўзи амалга ошиб кетмайди. Бунинг учун маълум миқдорда маблағ талаб этилади. Биз съезд номидан бу Қонун тўла кучи билан ишлаб кетиши учун камида 10 миллион сўм пул ажратиш тўғрисидаги ниятимизни ҳам билдириб ўтмоқчимиз.

Тарихи йўқ халқнинг маданияти бўлмайди. Маданияти йўқ халқнинг эса келажаги истиқболсиз. Тарихини унутган халқнинг эса икки дунёда ҳам косаси оқармайди. Мабодо, бу ҳолатда халқни тарихини билмаса, маданиятига ҳурмат қилмаса — бу миллат фожиасидир.

Худди шунинг учун ҳам маърузанинг катта қисмини ёшларнинг жаҳон ва миллий маданиятимиз барча бойликларини эгаллашдек улуғ ва хайрли ишда комсомолнинг ўрни масаласига бағишлаганмиз. Бу иш аввало мактабларда ва олий ўқув юртларида яхши йўлга қўйилиши керак. Афсуски, ҳозирги аҳволдан қониқиш ҳосил қилиш қийин. Назаримда, бу борада турғунлик исканжасидан ҳали қутулиб олинмаган кўринади.

Биз бир нарсани унутмаслигимиз керак. Агар комсомол ўз обрўсини қайта тиклайман деса, халққа яқинлашаман деса, уларнинг кўнглидаги ишларга қўл ураман деса, жуда ҳам ноёб ва қулай имконият бор. Ахир бир ўйлаб кўринг, Ўрта Осиё халқлари тарихи бўйича, маданияти бўйича тугал, яхлит асарлар, қўлланмалар, дарсликлар борми? Тарихимизга оид хорижий музейлардаги асар-у, антиқаларни юртимизга қайтариш бўйича нима ишлар қилинди, эски ўзбек ёзувини тиклаш борасида не саъйи-ҳаракатлар бўлди, халқимизнинг йўқолиб бораётган анъаналарига ҳаёт бағишласак, бу ишларнинг тепасида турсак, бундан фақат обрў олиш мумкин, бундан фақат ҳурмат олиш мумкин, қолаверса, бу ишларнинг ҳаммаси инсон учун савоб. Комсомол учун ҳам.

Кейинги пайтда 4 та одам йиғилиб қолса, хорижий мамлакатлардаги шарт-шароит, тараққиёт ҳақида гап кетади. Нима, бу осмондан тушармиди? Йўқ, албатта. Фақат у ёқда илмнинг кучига, заковатнинг кучига аллақачон тушуниб етишган. Ҳозирги замонда ҳеч бир мамлакат техникасиз бир қадам ҳам олға силжий олмаслигини англаб етишган. Биз эса мана шу ҳаётий ҳақиқатни энди тушунаяпмиз. «Кечдан кўра кеч» деганларидек, комсомолнинг бу борадаги энг зарур ва муҳим вазифаси жумҳуриятимиздаги илмий ва муҳандислик фаолиятига қобилиятли бор истеъдодларни топиш, камол топтириш ва қўллаб-қувватлашнинг амалий системасини яратишдир. Биз эса мана шунинг учун ҳам, жумҳуриятимизнинг равнақи ва мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Мамлакатимизда қайта қуриш ва ошкораликни энг аввало матбуот бошлаб берди. Комсомол матбуотининг жумҳурият ёшлар ташкилоти олдидаги вазифаларини амалга оширилишида, комсомолнинг халққа, ёшларга яқинлаштириш борасидаги хизматларини эътироф этмаслик адолатдан бўлмайди.

Лекин бугунга келиб нашрларимиз қийин аҳволга тушиб қолишди. Матбаа ва алоқа тармоқлари хизмати баҳосининг кескин ошиши, қоғоз билан таъминлаш муаммоси, ойнома ва рўзномаларимиз обуна нархининг қимматлашиши ишимизни қарийб боши берк кўчага киритиб қўйди. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, шусиз ҳам амал-тақал кун кечираётган ёшларимиз учун энди обуна ҳам муаммо бўлиб қолди. Обуначилар миқдорининг ўтган йилги даражасига етиш тўғрисида эмас, унга яқинлашиш эндиликда улкан ютуқдир. Комсомол Марказқўми ходимларининг журналистларимиз билан, жойлардаги комсомол ходимлари билан бу ишга бор кучларини ташлашлари ва ниҳоят, вазиятни бироз, ҳа бирозгина, холос, кўнгилдагидек бўлишига олиб келди. Лекин бу соҳада ҳам ташвишларимиз етарли. Съезд номидан жумҳурият Президентига ёшлар ва болалар матбуотини қоғоз билан таъминлашни давлат ўз кафолатига олиши, улар учун солиқнинг имтиёзли шаклидан фойдаланиш чораларини кўриш бўйича мурожаат қилишни мақсадга мувофиқ, деб биламиз. Акс ҳолда ёшлар ҳаётида ошкоралик ва демократия хавф остида қолиши аниқ.

Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг Федерация субъекти, мустақил жумҳуриятимизнинг оммавий ижтимоий-сиёсий ташкилоти сифатида Ўзбекстон комсомоли ўзининг янги моделини ишлаб чиқиши шартлиги маърузада алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бу борада ўйлаймизки, асосий мунозара Ўзбекистон комсомолининг Ҳаракатномаси ва Устави бўйича бориши шарт. Бу масала бизни ташвишлантираяпти ва бунинг боиси бор.

Биринчидан, Ўзбекистон комсомолининг жумҳурият Олий Кенгаши, маҳаллий Шўроларга сайловлар даврида чиқарган ўз ҳаракат дастури кенг жамоатчилик ичида, муҳими ёшлар ўртасида катта қизиқиш уйғотмади. Натижада сайловда комсомол мағлубиятга учради. Бу бизга сабоқ бўлиши керак. Энди бу хатолар қайтарилмаслиги учун ҳаракат қилишимиз лозим. Лекин кўнгилга таскин бўладиган ҳолатлар эса кам. Чунки «Ёш ленинчи» ва «Комсомолец Узбекистана» рўзномаларида эълон қилинган Ҳаракатнома ва Устав лойиҳалари ёшлар даврасида биз кутганчалик кутиб олинмади. Улар бўйича жуда ҳам кам таклифлар тушди. Бизни ташвишлантираётган нарса ҳам ана шу.

Наҳотки, ёшларимиз шунчалик лоқайд, ўзи билан ўзи бўлиб кетган бўлса? Йўқ. Биз пировард мақсадимизни, унга етиш йўлларини ҳали ёшларга тушунтириб беришни яхши билмаймиз. Биз яратаётган ҳужжатлар фақат комсомол ходимлари учунгина тушунарли бўлаяпти, холос. Бу ҳужжатларнинг ижодкорлари, шу жумладан, мен ҳам энг аввало ким учунлигини охиригача тушуниб етмаяпмиз. Чунки ёшлар — бу ишчилар, колхозчилар, ўқувчи ва талабалар, ижодкор ва зиёли йигит-қизлардир.

Хўш, уларнинг ҳар бири бизнинг Ҳаракатномамизни ўқиганда, ўзини қийнаётган муаммолар, кундалик ҳаёти учун зарур ечимларни топа оладими? Ахир бу мен учун ёзилган экан-ку, менинг ҳуқуқларимнинг ҳимоячиси экан-ку, — дермикан? Ишчи комиссияси тайёрлаган бу ҳужжатларнинг лойиҳасини ўқиган кишида ана шундай таассурот қолиши керак. Биз бир нарсани яхши билишимиз лозим — халқ билан халқ тилидагина гаплашиш мумкин. Ёшлар билан ҳам улар дардлари, ташвишлари, орзулари тилида гаплашишни ўрганишимиз керак. Ёш ишчига нима даркор: кўнглига яқин иш, яхши шароит ва дурустроқ маош керак. Қишлоқ ёшларига эса биринчи навбатда ер, қурилиш материаллари, дам олиш учун шарт-шароит, талабалар учун ижара уй эмас, ётоқхона, бинойигина стипендия керак. Ижодкор ёшларга эса ўз ижодий имкониятларини баралла намойиш этиши учун шарт-шароит, уй-жой, ижодий сафарлар ва учрашувлар учун имтиёз лозим. Мана шу ҳолатлар эндиликда бизнинг ишимиз, ташвишимиз, мақсадимиз бўлиши зарур. Ва худди шу масалалар бизнинг эндиликда ҳаракатномамиз моҳиятини белгилаб бериши ҳам шарт. Комсомол ташкилотларидан келаётган таклифларнинг асосий мазмуни ҳам ана шундан иборат. Акс ҳолда ишимизда унум бўлмайди. Мана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишчи комиссияларимиз съездгача бўлган даврда яна бир йиғилиб, бугунги пленумимиз қатнашчилари билдирадиган, жойлардан келган аниқ мулоҳазалар асосида бу комсомол ҳужжатларини янада ёшларбоп қилиш йўлларини излаб кўришади деган умиддамиз.

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби **И. БИБИКОВ** «Ўзбекистон ССЖда давлат ёшлар сиёсати тўғрисида» Қонун лойиҳаси юзасидан ахборот берди. Маърузачи таъкидлаб ўтдики, Ўзбекистоннинг истиқболи эндиликда мустақил ҳаётга қадам қўйган авлодлар билан боғланган. Жумҳурият аҳолисининг ҳар учдан бирини — 14-30 ёшда бўлган йигит-қиз ташкил этади. Шу билан бир вақтда жамият тараққиётининг муаммолари ва зиддиятларидан кўп даражада жабр кўраётганлар, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий соҳада ғоят чўмичда қоқилаётганлар айни шу ёшлардир.

Ёшларнинг ижтимоий жараёнлар ва тузилмаларга қўшилиши кўпгина чуқурлашиб бораётган ижтимоий-иқтисодий, оила қуриш, фарзанд кўриш муаммоларини ҳал этиш билан боғлиқдир. Мамлакатда, жумҳуриятда мавжуд бўлган механизмлар ана шу муаммоларни ҳал этишда кам самарали бўлиб, кам таъминланган ёш фуқароларнинг салмоғи ўсиб боришига олиб келди.

Жумҳуриятда халқ хўжалиги комплекси ривожланишидаги қинғайишлар, таълим системасининг мукаммал эмаслиги қарийб 1,5 миллион йигит-қизнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш имкониятидан маҳрум этди. Рўзғор ва шахсий ёрдамчи хўжаликда банд бўлганлар ёшлар ўртасида 50,8 фоизни ташкил этади.

Ёшларнинг тез кўтарилмай қолаётганлиги касб-кор тайёргарлигининг паст даражада эканлиги билан изоҳланади. Ўзбекистонда йигит-қизларнинг ўртача меҳнат ҳақи 80-120 сўмни, бу Иттифоқ даражасининг 50—70 фоизини ташкил этади. Жумҳурият ёшларининг ўртача иттифоқ даражасига қиёсланган даромадлари: Қорақалпоғистон Мухтор Шўро Социалистик Жумҳуриятида — 48,2 фоиз, Фарғона вилоятларида — 52 фоиз, Қашқадарё вилоятида — 46,2 фоиз, Хоразм вилоятида — 48,2 фоизни ташкил қилади. Ёш оилаларнинг 78,2 фоизининг даромадлари жумҳуриятда белгиланган тирикчилик кечириш даражасидан паст. Талабалар оилаларининг даромади айниқса, кам. Жумҳуриятда кундузги таълим талабалари миқдоридан фақат 71 фоизи стипендия билан таъминланган; қолганлари қариндош-уруғлари ёки тасодифан топилган меҳнат ҳақи ҳисобидан яшаяпти.

Ўз уй-жойини олиш муаммоси ёш авлод учун фавқулодда ўткир масала. Ёш эр-хотинлар вилоят марказларида хона олиш учун камида 7-8 йил, Тошкент шаҳрида эса 10-15 йил кутишга мажбурдир. Шунинг учун жумҳурият шаҳарларидаги ёшлар ўз уй-жойига эга бўлиши 65 фоизни ташкил этади. Бунинг устига 22 ёшгача бўлган 60 фоиздан зиёд йигит-қиз уйланган ёки турмушга чиққан.

Мустақил ҳаёт билан ўзини ўнглаб олиш ўртасидаги бўлган муддат ичидаги вақтда меҳнат ҳақининг камлиги, рўзғори йўлга қўйилмагани, йигит-қизларга ва ёш оилаларга нафақалар ҳамда қарзлар бериш системаси йўқлиги пайтида моллар ва хизмат кўрсатишнинг нарх-наволари юқори бўлиши оқибатида уларни ота-онасининг ижтимоий аҳволига юқори даражада боғлиқ қилиб қўяётир, бирида истеъмолчилик ва боқимандалик, ўткирлашиб бораётган кенг кўламли муаммолар олдида умидсизлик кайфиятини туғдирмоқда; бошқаларни эса кам малака талаб қиладиган, аммо кўпроқ ҳақ тўланадиган ишга қўл уришга мажбур қилаяпти. Жумҳурият маънавий имкониятини бирлаштирувчи малакасиз ижтимоий касб-кор тузилмасининг такрор ишлаб чиқариш системаси яққол кўриниб турибди.

Жумҳурият ёшларининг аҳволини характерлаб берувчи зиддиятларнинг мавжудлиги ва ривожланиши, ёшлар муаммолари, уларнинг ижтимоий мазмуни комплекс эканлигини тушуниш йўқлигидан гувоҳлик беради. Бу назарий жиҳатдан ёшларга бўлган муносабатлар бўйича жамиятнинг сиёсий моҳияти йўқлигида намоён бўлаяпти. Амалий жиҳатдан эса бу ягона ижтимоий-сиёсий моҳиятга ўзаро боғланмаган ёшлар муаммоларини чалакам-чатти ҳал этишда ифодаланаётир.

Жумҳурият ёш авлодининг мураккаб иқтисодий аҳволи, маънавий, жисмоний ва ахлоқий соғломлиги аҳволидан жиддий ташвиш ва безовталикни ифодалаб, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси яхлит ёшлар давлат сиёсатини рўёбга чиқариш моҳияти ҳамда механизмини ишлаб чиқиш ташаббускори бўлиб чиқди. Бу ташаббуснинг асосий мақсади — ёш авлоднинг ижодий имкониятларини ижтимоий оёққа туриб олиши ва рўёбга чиқариши учун ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий, моддий-техник шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

«Ўзбекистон ёшлари: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» маърузасининг тайёрланиши ана шундай ҳал этиш юзасидан амалий қўйилган қадам, «Ўзбекистон ССЖда давлат ёшлар сиёсати тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳисобланади. Мазкур материаллар ва ҳужжатлар устида иш олиб бориш шуни кўрсатдики, ёшлар тўғрисида умумий қонуннинг, унинг принципиал, асосий қоидаларини белгилаб берувчи Қонуннинг йўқлиги, амалда бўлган қонунлар ҳар қанча таҳрир қилинганда ҳам ҳеч қандай муваффақият келтирмаслигини кўрсатди. Ёшлар муаммоларининг барчасини ҳал этиш учун ёш фуқароларнинг ҳуқуқларини амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатлари етарли эмас. Ёшлар ҳуқуқлари иқтисодий, ташкилий, сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланмаса, у яхлит ёшлар сиёсатининг уйғун қисми бўлиб қолмаса ишламайди. Фақат махсус қонуний акт қабул қилингандагина унинг муаммоларини ҳал этиш кафолатланади.

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси томонидан тайёрланган ёшлар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси беш боб ва бўлимдан иборат. Конуннинг бўлинмаси фуқаро жамиятининг манфаатлари ва унинг тузилмалари принциплари билан боғлиқ ёшлар сиёсатининг ғоясини очиб, мазкур Қонуннинг вазифаларини таърифлаб беради.

Маърузачи қонун лойиҳасининг боблари ва бўлимлари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди. Қонун лойиҳаси мамлакат, жумҳурият учун ёшлар ишларининг ижтимоий хизмати бўйича янги муассаса, — деб таъкидлади нотиқ. Санаб ўтилган Қонун лойиҳасидаги вазифалар, уни ташкил этиш мақсадлари тўғрисида умумий тасаввур беради. Ёшлар ишлари бўйича маҳкама ташкил этиш хорижий мамлакатда етарли даражада оммалашган, Шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида ижтимоий қурилиш тажрибаси таҳлили ҳам бундан далолат беради. Жумҳуриятимизда ёшларга ижтимоий кўмак берадиган бундай хизматни ташкил этишни турли хил идоралар— балоғатга етмаган ёшлар ишлари бўйича инспекциялар, ёшларни ишга жойлаштириш юзасидан бюролар, наркологик хизмат ва бошқа турли хил давлат муассасаларини бирлаштириш йўли билан жойларда ташкил этиш мумкин бўлади. Улар мана шу тузилманинг ўзагини ташкил этиб, ҳаётга мустақил қадам қўйган йигит-қизларнинг муаммолари бутун комплекси масъулиятини ўз зиммасига олишга қодирдир.

Жумҳуриятда молиявий аҳволнинг оғирлиги муносабати билан ёшлар тўғрисидаги Қонун лойиҳасини босқичма-босқич рўёбга чиқариш таклиф этилади. Унинг айрим моддалари, айниқса, ёшларнинг ижтимоий масалаларини ҳал этишга таалluқли моддаларини 1992—1996 йиллар давомида рўёбга чиқариш белгиланади.

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси котиби **А. ҚОДИРОВ** жумҳурият ЛКЁИ Устави ва Ҳаракатномаси лойиҳалари юзасидан ахборот берди. Сизларга маълумки, — деб таъкидлади нотиқ, — Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасининг VIII пленуми қарорига биноан Ўзбекистон ЛКЁИ Устави ва Ҳаракатномасини тайёрлаш учун ишчи комиссияси тузилган эди. Амалда эса бу иш анча олдинроқ, яъни БЛКЁИнинг XXI съезди тугаши билан бошлаб юборилганди.

Ишимиз ривожланган сари жойлардан келган таклифларни ҳисобга олган ҳолда «Ёш ленинчи», «Комсомолец Узбекистана» рўзномаларида Ўзбекистон ЛКЁИ Устави ва Ҳаракатномаси концепциялари, шунингдек, Тошкент вилояти, Самарқанд шаҳар Темирйўл ноҳия комсомол қўмиталари томонидан тайёрланган лойиҳалар эълон қилинди.

Иш даврида комиссиямизга 500 дан зиёд таклиф ва мулоҳаза тушди. Уларнинг кўпчилиги — 410 таси Ўзбекистон ЛКЁИ Устави лойиҳасига, қолганлари (97) Ҳаракатномага тегишлидир. Билдирилган таклиф ва мулоҳазаларнинг ярмидан кўпи (230 таси) вилоят, шаҳар, ноҳия комсомол қўмиталари пленумлари иштирокчиларининг фикрларидир. Тушган таклифлар доимий равишда комиссия йиғилишлари ҳамда унинг қошида тузилган ишчи гуруҳнинг йиғилишларида кўриб борилди. Ўтган давр ичида комиссиянинг уч марта, ишчи гуруҳнинг 6 марта расмий йиғилиши бўлиб ўтди.

Таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Устав ва Ҳаракатнома лойиҳалари қайтадан жиддий ишланди, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси бюросига киритилди. Шу йил 26 октябрь куни комсомол Марказий Қўмитаси бюросида лойиҳаларнинг муҳокамаси бўлиб ўтди, уларга бир қатор ўзгаришлар киритилди.

Шу йил 2-3 ноябрь кунлари Тошкент Ёшлар олий билимгоҳида «Ўзбекистон ЛКЁИнинг ривожланиш истиқболлари» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказдик, — деб сўзида давом этди нотиқ. Конференцияда бўлажак XXIV съездимиз делегатлари, комсомол ходимлари, Устав ва Ҳаракатнома муқобил лойиҳаларининг муаллифлари, олий билимгоҳнинг домлалари — жами 80 га яқин ўртоқ қатнашди. Натижада Уставга тааллуқли 40 дан ортиқ, Ҳаракатномага тегишли 20 дан зиёд таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Шундан кейин нотиқ Ўзбекистон ЛКЁИ Устави лойиҳасига билдирилган таклиф ва мулоҳазалар борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди. Устав лойиҳасининг қайси боби ва моддасига киритилган ўзгартиришларни кенг шарҳлаб берди. Шунингдек, Ҳаракатнома лойиҳасига билдирилган таклиф ва мулоҳазаларга ҳам тўхталди.

Ҳамма ўзгаришларни киритганимиз билан ҳам лойиҳалар ҳали камчиликлар ва хатоликлардан ҳоли эмас, — деди пировардида нотиқ. Қолаверса, ҳужжатларни съездимиз тасдиқлаб берганидан кейин ҳам камчиликлар топиш мумкин бўлади. Бу табиий ҳол. Чунки жумҳурият комсомолимиз тарихида бу биринчи марта мустақиллигимизни билдирадиган илк ҳужжатлардир. Энг асосий ютуғимиз — ўз Уставимизга, ўз Ҳаракатномамизга эга бўламиз.

Келажак ҳаётимизнинг ўзи, комсомол ташкилотимизнинг бўлғуси фаолияти бу ҳужжатларга янги ўзгаришларни киритади, албатта. Маълумотингиз учун яна бир ахборотни етказишни зарур деб топдик. Устав ва Ҳаракатнома лойиҳалари муҳокамаси давомида ташкилотимизнинг номини ўзгартириш таклифлари ҳам бўлди. Масалан, Қамаши ноҳияси комсомол қўмитаси пленумида шунга доир резолюция ҳам қабул қилинди. Бу масала съездимизда ҳам кўтарилади деб ўйлайман.

Ёшлар олий билимгоҳининг моҳияти тўғрисида шу олий билимгоҳининг ректори **Р. СОБИРЖОНОВ** маъруза қилди. Маърузачи олий билимгоҳнинг қайта тузилиши ва унинг бундан кейинги фаолияти йўналишлари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди. Ҳозирги пайтда комсомол ташкилотининг сайлаб қўйиладиган органларининг вазифаларини, салоҳиятларининг сифат ўзгаришини назарда тутиб, — деб таъкидлади маърузачи, — улар фаолиятидаги муҳим ўринни марказлашган, илмий аналитик, ахборот вазифалар, сиёсий давлат тузилмалари, ёшлар ҳаракатининг бошқа отрядлари билан ҳамкорлик механизмини ишлаб чиқиш эгаллайди. Шунинг учун ёшлар олий билимгоҳининг муносиб бўлимлари комсомол ташкилотлари фаолиятидаги узлуксиз ёндашиш жараёнини ўзлаштириш ва ишлаб чиқиш маркази бўлиши керак.

Жумҳуриятда ёшлар сиёсатини тўлалигича ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурияти йигит-қизларга доир муаммоларнинг илмий-тадқиқот мажмуасини ишлаб чиқишни тақозо этади. Халқ вакиллари Кенгашларининг давлат органлари ва ижтимоий ташкилотларнинг амалий фаолиятларида Ўзбекистон жумҳурияти ёшлари аҳволи ҳақидаги ахборот (уларнинг ижтимоий, минтақавий ва бошқа хусусиятларини назарда тутган ҳолда), яъни уларнинг қарашлари, интилишлари, ёш авлоднинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги зарурриятлари, ижтимоий-иқтисодий тадбирларни амалга оширишда ўз қобилиятларини намоён қила билишликлари ва шу билан боғлиқ келажак ҳақида илмий баҳолар ва маъмурий ечимларнинг турлари ошиб боради. Шунга қарамасдан ҳозирги вақтда жумҳуриятда бу ишларга қаратилган мунтазам илмий-тадқиқотлар олиб борилаётгани йўқ.

Шунинг учун, бизнинг фикримизча, ёшлар олий билимгоҳининг тадқиқот муаммоси асосан Ўзбекистон Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг, давлат органлари, шу жумладан, ёшлар иши бўйича шуғулланувчи барча даражадаги комиссиялар, қўмиталар, ижро этувчи органларнинг ёшлар ҳаракати ва масалалари бўйича илмий асосланган кўрсатмаларга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилмоғи лозим. Ёшларга оид сиёсатни амалга ошириш бўйича давлат хизматини барпо қилиш билан биргаликда юқорида зикр қилинган ахборотга бўлган эҳтиёж доимий равишда ошиб боради. Ёшлар олий билимгоҳининг фаолиятини молиявий таъминлаш тартиби ҳақда гапирмоқчиман. 1 январь 1991 йилгача бўлган олий билимгоҳнинг жорий фаолиятини молиявий таъминлаш Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг 1990 йилга мўлжалланган бюджет маблағларининг «Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари» моддасига биноан амалга оширилмоқда.

Шу масалага оид ёшлар олий билимгоҳининг молиявий таъминоти тартибини белгилашда бир қатор асосий ҳолатларни ҳисобга олинишини қайд этишни муҳим деб ҳисоблаймиз.

Пленум кун тартибида режалаштирилган масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Лекин...


Ҳа, мустақилликнинг олтин пиллапоялари бўйлаб дастлабки одимларни қўйиш осон эмас. Шундан ҳам жумҳуриятимиз комсомолининг мустақиллик йўлида қўяётган одимлари бунга яққол далолат бериб турибди. Мустақил Ўзбекистон истиқболи йўлида йигит-қизларнинг ташкилоти сифатида фаолият кўрсатадиган жумҳурият комсомолининг ҳар бир ҳужжати пишиқ ва пухта, ёшлар учун ғоят тушунарли бўлиши муҳимдир. Шундан ҳам Устав лойиҳасига кўпгина эътирозлар, танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бу бежиз эмас, Ҳали унинг ҳар бир бобида ва моддаларида нуқсонлар оз эмас. Шунинг учун ҳам Устав лойиҳаси юзасидан муҳокама ҳали давом этади. Ўзбекистон комсомоли XXIV съездигача вақт бор. Ана шу муддатдан моҳирона фойдаланиш ва ҳар бир йигит ва қиз Устав лойиҳаси юзасидан дилига тугиб қўйган фикр-мулоҳазаларини билдириши ғоят муҳимдир.



СУРАТЛАРДА: пленумдан лавҳалар.

Суратказ: Е. БОТИРОВ.

● ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ УСТАВИ ВА ҲАРАКАТНОМАСИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТАЯПТИ. ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР, ЖУМҲУРИЯТ КОМСОМОЛИ ТАҚДИРИ СИЗГА БЕФАРҚ БЎЛМАСА, МАЗКУР ҲУЖЖАТЛАР ЮЗАСИДАН ЎЗ ТАКЛИФЛАРИНГИЗ ВА ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИНГИЗНИ ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ КОМСОМОЛ УСТАВИ ВА ҲАРАКАТНОМАСИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МАРОМИГА ЕТКАЗИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ИШЧИ ГУРУҲИГА ЮБОРИНГ.



● ЖУМҲУРИЯТ КОМСОМОЛИ XXIV СЪЕЗДИ ЯҚИНЛАШМОҚДА. СЪЕЗДОЛДИ ТАЙЁРГАРЛИГИДА ВА МУНОЗАРАЛАРИДА ФАОЛ ҚАТНАШИШ — ҲАР БИР ЙИГИТ ВА ҚИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИ. ЎЗ ТАКЛИФ ВА ИСТАКЛАРИНГИЗНИ ЁШЛАР РЎЗНОМАЛАРИГА ЮБОРИНГ.

● ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ НОМИ ТЎҒРИСИДА ҚАНДАЙ ФИКРДАСИЗ? УНИ ҚАНДАЙ НОМ БИЛАН АТАЛИШИНИ ИСТАЙСИЗ?

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТОШКЕНТ · 1990

Таълим—малака—тараққиёт

Бугун Ўзбекистон ўқитувчилари конференцияси ўз ишини бошлайди



СУРАТДА: андижонлик ўқитувчилардан бир гуруҳи. Улар конференция делегатлари. Суратчи: Муҳаммад АМИН.

ЎҚУВЧИ СТИПЕНДИЯ ОЛМОҚДА

Мактабимизда 1200 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Ўқиш эса икки сменада. Сўнгги пайтларда хоналар етишмаслигидан азоб чекмоқдамиз. Синфдан ташқари тадбирларни қаерда ўтказишни билмай бошимиз қотган. Бу ҳол жумҳуриятимиздаги барча мактабларга хос. Фақат бугина эмас, маориф муаммоларини санаб ҳам адоғига етиш мушкул. Мутахассислар етишмаслигига-ку, кўникиб қолдик. Бизнинг ўқув маскапимизда она тили, математика, бошланғич таълим услуби фанларидан муаллимлар йўқ. Бундан ушбу фанлардан дарслар ўтилмаётибди, деган хулоса келиб чиқмайди, албатта. Мазкур фанлардан мутахассисларни жалб этганмиз. Олий маълумотли мусиқа ўқитувчисини-ку, кундуз куни чироқ ёқиб ҳам топа олмайсиз.

Ўқув даргоҳимизда бир қанча янги фанлар жорий этганмиз. «Одобнома» шуларнинг бири.

Шаҳардаги «6-авторемонт» заводи мактабимизни оталиққа олган. Яқинда бошлаб 9-11-синф ўқувчиларидан 9 нафари завод томонидан стипендия ола бошлади. Бу ҳам биз олиб бораётган ибратли ишларнинг биридир.

М. АБДУЛЛАЕВА,
Ленинск шаҳридаги Ҳ. Олимжон номли 1-ўрта мактаб директори, конференция делегати.

МИННАТДОРМИЗ

Мактабимиз Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз ноҳиясидаги Мироқи посёлкасида жойлашган. Ҳозир ўқитувчи ва ўқувчи, уларнинг ўзаро муносабати ҳақида жуда кўп баҳслар бўлаяпти. Лекин биз ўқитувчиларимиздан нолимаймиз. Улар бизга юриш-туришда, ўзни тутишда, одамийлик борасида ҳамиша намуна бўлиб келишяпти. Биз устозларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Айниқса, ўзбек тили ва адбиёти фани ўқитувчиси Т. Баратов, тарих муаллими М. Мирзаев, алгебра фанидан дарс берадиган ўқитувчимиз Қ. Аҳмедовалардан мамнунмиз. Қанийди, ана шундай бағри кенг муаллимлар кўпроқ бўлса.

8-ўрта мактабнинг 7-«А» синф ўқувчилари номидан АЗИМОВА, ЭШҚУВВАТОВА.
(Жами 11 имзо).

МАСЪУЛИЯТ КУЧАЯДИ

Куни кеча барча турдаги мактабларнинг ўқитувчиларига, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синф ўқитувқўшимча имтиёзлар бериш, юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида Жумҳурият Президентининг Фармони эълон қилинди. Шунинг ўзиёқ мактабга, муаллим ва тарбиячиларга эътибор ошиб бораётганидан далолат бермоқда. Ўқитувчи ҳеч қачон қарздор бўлиб қолмайди. Имтиёз билан танишиб, жуда хурсанд бўлдим. Фақатгина эрта-индин ўзимнинг ҳам муаллим бўлишим учун эмас, балки мазкур соҳага муносабатнинг ўзгарганидан шодман.

Мактабга касб-ҳунар ўрганишни кенг йўлга қўйиш лозим. Ўйлайманки, шу ва шунга ўхшаш маориф муаммолари ўқитувчиларнинг жумҳурият конференциясида ўз аксини топади.

М. УЛУҒБОЕВА,
Андижон педагогика олий билимгоҳи толибаси, конференция делегати.

АТТЕСТАТ КЕРАКМИ?

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган қайта қуриш ва ошкоралик туфайли юртимиздаги мавжуд камчиликлар, жиноятлар, порахўрликлар, қашшоқликлар, одамлар орасида меҳр-оқибатларнинг йўқолиб бораётгани ҳақида очиқ ва дадил фикрлар билдирилмоқда. Буни ҳар ким ўзича баҳоламоқда. Лекин булардан якдил фикр чиқариб, умумлаштириб, уни амалга ошириш чоралари кўрилмаётир. Фикр фикрлигича қолмоқда. Ҳамон юқоридан топшириқ кутиш ҳоллари давом этмоқда.

Бугунга келиб деҳқончилик ишлари деҳқонлар қўлига берилди. Ўз эгасини топган экинлар яхши ҳосил бермоқда. Аввалгидек далаларни ўт босгани йўқ, ҳосилни деҳқонлар ўз кучлари билан вақтида териб олишга улгурмоқдалар. Юқоридан зуғум кучайган даврларда ўзининг бир ёки иккита уй ҳайвонини боқа олмаётган ишчи-хизматчи-ю, колхозчиларга дағал хашак мажбурияти солинаётган эди. Эндиликда аксинча, хўжаликлар аҳолига ем-хашак тарқатмоқда.

Бу гапларни бежиз айтаётганим йўқ. Мамлакатимизда рўй бераётган камчиликларни, салбий ҳолатларни тугатиш учун ёшлар тарбиясини фақат мактаблар зиммасига юклаб қўймасдан, халқ қўлига қайтариш лозим. Ўрта Осиё халқлари тарихида устоз ва шогирд анъанаси муҳим ўрин тутган. Халқимиз бошига тушган ва тушаётган қийинчиликлар, яъни ишсизлик ва унинг оқибатида жиноятчиликнинг кўпайиши, ҳамда қашшоқликнинг вужудга келишининг асосий сабабларидан бири ҳам ота-боболаримизнинг ана шу анъаналари йўқолишида, деб ўйлайман. Авваллари ўз ишининг моҳир усталари ҳақида сўз кетганда: «Бу фалон устанинг шогирди-да», — деган гаплар ишлатиларди. Моҳир устанинг ота-онасини танимаган киши ҳам унинг устозини танирди. Ҳозирда бундай сўзларни камдан-кам эшитамиз.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш ҳақида турли тортишувлар бўлмоқда. Менимча, бозор иқтисодига «Шаҳодатнома», «Аттестат», «Диплом» билан ўтиб бўлмайди. Аксинча, ўз ишининг моҳир усталари, ҳақиқий ишчилар, деҳқонлар, олимлар билан ўтилади.

Шу ерда бир чекиниш қиламиз. Автомашина автобензин ёқилғиси билан юради. Бу ёқилғи бензин бакига сузгичли (фильтрли) воронка билан қуйилади. Ёқилғи ўт олиш хонаси (мотор)га боргунча бир неча сўзгич орқали ўтади (бакдан чиқишда бензин сўргичда, карбюраторда ва ҳоказо...). Агар сўзгичлардан бирортаси ишламаса мотор ишдан чиқади.

Бизнинг ҳозирги мактабларимизни олиб кўрайлик. Болалар 1-синфга тиббиёт кўригидан ўтказиб олинади (1-сўзгич). Бундан тиббиёт ходимларимизнинг «уддабуронлик»лари туфайли ўқишга лаёқати йўқ болаларга ҳам рухсат берилади. Чунки бизда «...ҳамма илм олиш ҳуқуқига эга».

IV-синфдан бошлаб имтиҳонлар олиш бошланади (2-сўзгич). Лекин у ўқувчини ўз синфида қолдириш мумкин эмас. (Чунки учтагача фанни ўзлаштира олмаган ўқувчини педагогика кенгашининг қарори билан синфдан-синфга кўчириш мумкин). Шу тариқа етти йил қанчалик меҳнат, қоғоз сарфлаб имтиҳонлар олинади. Ўқувчи биладики, у ҳеч қачон ўз синфида қолиб кетмайди, мактабдан ҳайдалмайди. Демак, ўзини қийнаб ўқишининг ҳожати йўқ. Шу тариқа мактабни битирган ўқувчилар келажакда давлатни бошқарадилар. Еттита (бузуқ сўзгич), яъни имтиҳондан ўтган ўқувчилар давлат (мотор)ни бузмайди, деб ким кафолат беради. Сўзгичлардан ўтган ўқувчилар ёпирилиб борса, олий ўқув юртларининг «имтиҳон»лари уларни чидам билан тозалай олармикан?

Жумҳурият вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов телевидениедаги суҳбатлардан бирида: «Жумҳуриятимизнинг ҳозирги оғир аҳволига тушиб қолишида олимларимизнинг ҳам айби бор. Ҳозирги олимларга ишонч қолмади. Эндиги умидимиз ёш олимлардан», деган эдилар. Аҳвол шу тариқа кетса, бўлажак олимлар ҳам ишончни оқлармиканлар?

Менинг фикримча, мактабларда болаларни тўплаб «Шаҳодатнома» ва «Аттестат» тарқатишни тўхтатиш керак. Ота-боболаримиз «аттестатсиз» ҳам дунё таниган олимлар бўлиб етишишган ва жаҳон илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшишган.

Мактабга асосан ўқишга лаёқати бор болаларни тортиш лозим. VI-синфгача мажбурий таълимда ўқитиб, сўнгра лаёқатли болаларни мактабда олиб қолиб, ўқишга лаёқати бўлмаган болаларни ўзлари қизиққан касб-ҳунар бўйича шогирдликка бериш лозим. Бунинг иккита муҳим томони бор: биринчидан, ўқишга лаёқати йўқ болалар ўқишга қизиққан болаларга халақит беришларидан қутиламиз. Иккинчидан, ундай болалар ёшлигидан шуғулланса, бирор касбнинг моҳир усталари бўлиб етишадилар. Биз таълим ва тарбия берамиз, деб болалар келажагини бўғиб қўймоқдамиз. Ўқишга лаёқати йўқ болаларни 10 йил мактабда мажбуран олиб ўтириб, «Аттестат» беришдан кимга фойда? Зўрзўр истеъдодларни мактабда олиб ўтириб, уларнинг келажагини бўғиб қўймаяпмизмикан?

Бир мисол келтирай. Ноҳиямизда 80 ёшдан ошган Деҳқон бува бор. У киши ҳатто хат танимайди. Лекин Андижондан чиқадиган сув насосининг моҳир устаси эди. Ҳатто бошқа ноҳиялардан ҳам илтимослар билан келиб, «Андижон» сув насосини тузатиб беришни сўрардилар. Илтимосчилар орасида, албатта, олий маълумотли инженерлар ҳам бўларди. Борди-ю, Деҳқон бува ҳозирги мактабларда 10 йил ўқиганда, билмадим, нима бўларди?

Менинг бу фикрларим, албатта, инобатга олинмайди. Чунки, менда на амал, на унвон бор.

Яқинда ноҳия марказида бўлган йиғилишда ноҳия раҳбарлари олдига устоз-шогирдчиликни тажриба тариқасида бошлаш ҳақида таклиф билан чиқдим. Бунга қишлоқ Шўролари қошида янги ташкил этилган «Меҳнат ресурслари билан шуғулланувчи» бўлим ходимлари ёрдамидан фойдаланиш мумкинлигини айтиб ўтдим. Раҳбарлардан бири эса «5—6 та касб бор, холос, барча ёшларни жалб қилиш имконияти йўқ» деб, жавоб берди. Қарангки, ёшларга ўргатиш мумкин бўлган касблар 5—6 та холос, эмиш. Фикрлашимиз қанчалар чегараланган.

Матбуотда ишсизлар сони тобора ошиб бораётгани ҳақида ташвишли хабарлар тез-тез такрорланмоқда. Биз ёшларни касб-ҳунарга ўргатмасдан мажбурий, ўзи қизиқмаган ҳолда мактабларда 17 ёшгача ушлаб турсакда, унга ўрта мактабни битиргани ҳақида ҳужжат берсак. Бундан кимга фойда? Ҳужжати бор-у, касби йўқ.

Агар ёшларнинг ўқишга қобилияти йўқлари ўн йил мактабда ўқиш ўрнига бирор касб-ҳунар ўрганса-чи? Агар касби бўлса, биринчидан, у иш жойини топиб олади ёки иш жойини ўзи яратади. Ишсизлик камаяди.

Шу йил Тошкент телевидениеси орқали пойтахт яқинидаги қишлоқлардан биридан келган шикоят бўйича тайёрланган кўрсатув олиб борилди. Унда бир аёл қишлоқда табиий газ, сув йўқлиги, томорқаларда экинлар битмай қолганлиги натижасида яшаш қийинлашиб бораётгани ҳақида сўзлади. 6 нафар фарзанди бор бўлиб, турмуш ўртоғи жамоа хўжалигида ишлаб, 70 — 80 сўм атрофида маош оларкан. Оилага ёрдам бўлармикан, деган ниятда иш қидириб, мактабга, боғчага, касалхонага борибди. У ерларда иш йўқлиги учун ишга олишмабди.

Энди ўйлаб кўрайлик, у қандай иш билан таъминланиши мумкин? Асосан фаррошлик. Чунки у ўн йил мактабда ўқиган. Турли сабабларга кўра кейинчалик бирор касб ўрганолмаган. Вояга етгандан кейин оила қурган. Аттестати бор, лекин касби ёки ҳунари йўқ. Агарда у аёл 6-синфгача ўқиб, бирор касб ўрганганида, шундай ночор ҳолга тушмаган бўлармиди?! Пойтахтга яқин жойда аҳвол шундай бўлгандан кейин чекка қишлоқлардаги аҳвол ўз-ўзидан равшан.

Жиноятчилик ҳам тобора ортиб бормоқда. Бунга ҳам сабаб, қўлида аттестати бору, касби йўқ, яхши яшагиси, кийингиси, еб-ичгиси келадиганлардир. Ишлаб пул тополмагандан кейин нима қилади, ўғирлик қилади, куппа-кундузи тунайди. Ўз касбига эга, бирор жойда муқим ишлаб, яхши маош олаётган кишини жиноятга тортиб бўлармикан?

Меҳр-оқибат ҳақида, ўқитувчининг обрўйи ҳақида гапиришади. Ўйлаб кўрайлик, паст ўзлаштирувчи ўқувчига ўқитувчи ҳеч қандай таъсир ўтказа олмаса; ҳамма болалар ҳам яхши гап билан маслаҳатга юравермаса; «яхши» ва «аъло»га ўқиган ҳам — умрида ҳалол «3» баҳо олмаган ўқувчи ҳам синфдан-синфга кўчаверса, шаҳодатнома ёки аттестат олаверса, мактабнинг, ўқитувчининг обрўйи қаердан кўтарилсин? Меҳр-оқибатнинг йўқолиб боришини ҳам мактаб системасининг нотўғри тузилишида, деб ўйлайман.

Матбуотда қонун бузган ҳуқуқ органи ходимлари, ўз вазифасини уддалай олмаган раҳбарлар, касалларни даволай олмаётган тиббиёт ходимлари ҳақида очиқ-ойдин ёзиляпти.

Ўйлаб кўрайлик, 10 йил мактабда ўқиб ҳалол «3» баҳо ололмаган, мактабга фақат келиб-кетишни билган, олий ўқув юртига таниш-билиш ёрдамида осонгина кириб, уни битирган, мутахассислик гувоҳномасини олган кимса у ишга келиб кетишни, форма кийиб юришни, енгил машина орқа ўриндиғида ястаниб ўтиришни, оқ халатда юришнигина билади. У ҳеч қачон фуқарони, халқни, беморни ўйламайди.

Мамлакатимиз бўйича кундан-кунга тақчиллик ортиб бормоқда. Бу ташвишли ҳолни тугатишнинг асосий йўлларидан бири — халқ ҳунармандчилигини тўғри йўлга қўйиш ва ривожлантириб боришдир. Фақат завод ва фабрикалар маҳсулотига қараб турилса, тақчилликни камайтириб бўлмайди. Қолаверса, завод ва фабрикаларнинг маҳсулотлари сифати ҳам кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Сабаб завод ва фабрикалардаги ишчиларнинг кўпчилиги асосан ўн йил мактабда ўзи қизиқмаган фанларни ўқиб, қаерга боришини билмай зўрма-зўраки ишга борган кишилардир. Агар бу ишчилар ҳам ёшлигидан касб-ҳунарга ўрганганида, менимча, сифатсиз маҳсулотлар чиқмаган бўларди. Мутахассис ишчилар тайёрлайдиган билим юрти, техникум ва билимгоҳларда амалий машғулотлардан кўра, назарий билимларга кўпроқ аҳамият берилади. Назарий билим эса ишлаб чиқариш қуролларини такомиллаштирувчилар учун зарур, деб ўйлайман.

Келажагимиз бўлган болаларни етук кадрлар бўлиб етишишини ўйласак, мактабларда ҳар бир синфда 30—35 эмас, балки 13—16 нафардан ошмаган ҳолда ўқишга қобилиятли болаларни ўқитишга эришишимиз лозим. Мактабдан иқтисод қилишни кучайтириш билан биз келажагимизда қайтариладиган қимматли «бойлик»дан — етук инсонлар тайёрлашдан ажраб қолмоқдамиз. Илғор чет мамлакатларга етиб олиш учун шиорлар билан курашишимиз етар, энди амалий ишга ўтишимиз керак.

Ҳозир бизнинг системада «имтиёз» деган тушунча бошқача тушунилмоқда. Байналмилал жангчилар, аскарликда ногирон бўлганларга ҳар қанча имтиёз берилишини чин дилдан истайман. Уларга уй-жой шароитини яхшилаш, иш билан таъминлаш, енгил автомашина ва ноёб молларни навбатсиз бериш, нафақалар тайинлаш ва ҳоказолар...

Лекин уларни олий ўқув юртларига имтиёз билан олиш бу, давлатимизнинг келажагига сув қуйиш билан баробардир.

Ўн йил мактаб партасида ўтириб, ҳалол «3» баҳо ололмаган ўқувчи имтиёз билан олий ўқув юртига кириб, етук мутахассис бўлиб етишишига ким кафолат беради? Улар асосан ҳуқуқшунослик, журналистика, тиббиёт, педагогика каби олий ўқув юртларида ўқимоқдалар. Лекин уларни театр ва рассомлик* санъати билимгоҳларига кирганларини эшитмадим. Чунки, иқтидор етишмайди. Бошқа соҳаларда ҳам ўзига хос иқтидор керак эмасмикан!!!

Мактабда эплаб ўқий олмаган ўқувчи бир-икки йил армиянинг оғир участкаларида юриб келганидан кейин олий ўқув юрти талаблари даражасида ўқиб ўзлаштира оладиган бўлиб қолармикан? Менимча, ўқиш давомида яна имтиёзлар билан «дипломли мутахассис» ҳам бўлиб олади. Буларнинг ҳаётдаги иш юритишини бир тасаввур қилиб кўринг.

Улар прокуратура, ёки суд ишида ишлаб, ҳозирги кунларда нотўғри иш юритаётган «халқ ҳимоячилари»нинг ишларини давом эттирадилар. Улардан етишиб чиққан «дипломли» врачларнинг иши эса ўз-ўзидан равшан. Шундай врач ва юристлар қўлига тушишдан худо сақласин.

Ишсизлик, жиноятчилик, порахўрлик ва шунга ўхшаш жамики иллатларни йўқотиш учун мактаб партасидан ўзгартириш бошлаш керак. Болалар мактабга ва юқори ўқув масканларига билим олиш учун боришларини англасинлар. Ҳозир кўпчилик ўқувчилар ва ота-оналар мактаб болаларни тўплаб ўтирадиган жой, деб ўйламоқдалар. Ота-оналар ҳам фарзандларининг келажагини ўйламай қўйдилар. Қайси ота-онадан фарзандининг келажаги ҳақида сўрасангиз, фарзанди қандай, ўқишидан қатъи назар: «ўрта мактабни битириб олаверсин-чи, у ёғи бир гап бўлар», деб жавоб беради.

Энди биз нима қилайлик?

Аҳмаджон РАШИДОВ,
Наманган вилояти Тўрақўрғон ноҳиясидаги 45-мактаб ўқитувчиси.

Хориждан хабарлар

Телетайп лентасидан

● СОФИЯ. Бу ерда Болгария социалистик партияси олий кенгаши билан парламент гуруҳининг мажлиси икки босқичда бўлди. Унда мамлакатда парламент сайловидан сўнг биринчи марта партия фаолияти, унинг ичидаги барча жараёнлар яхлит ҳолида таҳлил этилди, уни ривожлантириш ва демократлаштиришнинг асосий масалалари муҳокама қилинди. БСП олий парламент кенгаши раисининг ўринбосари ва мувофиқлаштирувчи котиби Александр Томов бу ерда журналистлар билан учрашувда шуни маълум қилди.

У мажлисда А. Лиловнинг истеъфоси тўғрисида гап бўлмаганлигини таъкидлади. Айни вақтда партия раҳбарияти бир қанча намояндаларини истеъфога чиқариш тўғрисидаги илтимослари айтилди, лекин ушбу аризаларнинг баён этиш усули уларни муҳокама қилишга имкон бермади. Олий Кенгашнинг яқин орада ўтказиладиган мажлисида олий парламент кенгаши раёсатини мустаҳкамлаш — уни кенгайтриш ва БСП ҳал этиши керак бўлган вазифаларга мувофиқ қисман янгилашга қарор қилинди.

Мажлисда социалистлар ҳукумати фаолиятига алоҳида эътибор берилди, деди БСП парламент гуруҳининг расмий вакиласи Клара Маринова. Мажлис қатнашчиларининг кўпчилиги Андрей Луканов ҳукуматининг фаолият кўрсатмаётганлиги хусусида танқидий фикрлар билдирди, деди у. Улар БСП ушбу ҳукуматни қўллаб-қувватлаш билан бирга янада аниқроқ стратегияни ишлаб чиқиши зарурлигини таъкидладилар, чунки партия олдида шошилинч тарзда ҳал этилиши зарур бўлган катта вазифалар турибди.

● ВАРШАВА. Бу ерда 10-11 ноябрь кунлари жамоатчилик фикрини сўраб билиш маркази президент сайлови муносабати билан тадбир ўтказди. Бу ерда эълон қилинган навбатдаги сўраб билиш натижаларига қараганда, унда қатнашган кишиларнинг 30,5 фоизи «Бирдамлик» касаба уюшмасининг раиси Лех Валенсага, 20,6 фоизи вазирлар кенгашининг раиси Тадеуш Мазовецкийга, 12,6 фоизи мустақил номзод Станислав Тиминьскийга, 7,6 фоизи Польша деҳқонлар партиясининг номзоди Роман Бартошчега, 5,8 фоизи сўл кучлар номзоди Влодзимеж Чимошевичга, 1,9 фоизи Польша мустақил конфедерациясининг раҳбари Лешек Мочульскийга овоз бериш ниятидадир. Айни вақтда ҳар беш сайловчининг биттаси ҳали муайян йўл танлагани йўқ, бу эса жамоатчилик кайфиятини сўраб-билиш йўли билан аниқлаш имконияти йўқлигидан далолат беради.

25 ноябрь — президент сайлови яқинлашиши билан сайловолди кураши ҳам кучаймоқда.

● ЛОНДОН. Буюк Британия оппозициячи лейбористлар партиясининг раҳбари Нил Киннок мамлакатда парламент сайловини тезроқ ўтказишга чақирди. У журналистлар учун берган қисқа баёнотида шуларни таъкидлади: бош вазирнинг яқинда истеъфога чиққан ўринбосари Жеффри Хау жамоалар палатасида сўзга чиқиб, Маргарет Тэтчернинг Европага нисбатан олиб бораётган сиёсатини кескин танқид қилганидан сўнг бош вазир ва унинг тарафдорларининг обрўси пасайиб кетди. Ҳукумат, деди лейбористлар раҳбари, сайлов орқали синовдан ўтказилиши керак.

● БМТ. Қандайдир бир дастур ёки ташаббус ёрдамида халқларни тинчлик руҳида тарбиялашдек мақсадга эришиб бўлмайди. Сайёрамизда хавфсизликни янада кўпроқ таъминлаш борасида давом этаётган жараённи умумий тарзда қўллаб-қувватлаш зарур, дейилади БМТ бош котибининг «Халқларни тинчлик руҳида тарбиялаш тўғрисидаги декларацияни рўёбга чиқариш» деб аталган маълумотномасида. Ушбу маълумотнома миллатлар ҳамжамиятининг қароргоҳида тарқатилди.

(ТАСС).

АҲАМИЯТГА МОЛИК ВОҚЕА

ТОКИО. (ТАСС мухбири Владимир Солнцев). ССЖИ Президенти М. С. Горбачевнинг Японияга бўлажак ташрифи иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларда бурилиш аҳамиятига молик воқеа бўлиб қолиши керак. ССЖИ Олий Кенгашининг раиси А. И. Лукьянов билан Япония ташқи ишлар вазири Т. Накаяма бўлиб ўтган учрашув чоғида ана шундай фикр билдирдилар. Совет парламентининг бошлиғи Япония императори Акихитонинг тахтга ўтириши муносабати билан ўтказилаётган тантаналарда иштирок этиш учун Токиода меҳмон бўлиб турибди.

Япония вазири ССЖИ Президентининг келгуси йил апрель ойига мўлжалланган ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида сулҳ шартномаси тузиш тўғрисидаги масалада силжишга эришилади, деб умид билдирди. А. И. Лукьянов иқтисодиёт, маданият, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, одамлар ўртасидаги мулоқот соҳаларида икки томонлама алоқаларни ривожлантириш борасидаги ўзаро куч-ғайратлар ССЖИ билан Япония ўртасидаги муносабатларда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этиш учун яхшироқ муҳит яратишга кўмаклашади, деб таъкидлади.



СПИД касаллиги билан илк бор дуч келган пайтларда Америкадаги «Женерал Моторз» автогиганти бу касалликнинг олдини олишга 2 миллион доллар ажратди. Бу пуллар компаниянинг ўрта мавқедаги раҳбарлари ўртасида семинарлар, конференциялар ўтказишга, ишчилар орасида эса тушунтириш ишлари олиб боришга сарфланди. «XX аср вабоси деб ном олган бу касалликка қарши худди ана шундай баҳамжиҳат кураш олиб бориш керак, дейишяпти америкаликлар.

СУРАТДА: СПИДга қарши профилактик иш олиб боряляпти.

ТАСС сурати.

АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНИШИ КЕРАК

● БОНН. Кельн шаҳридаги шарқий ва халқаро тадқиқотлар федерал илмгоҳининг директори профессор Хайнрих Фогель Совет Иттифоқидаги жараёнларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ғарб мамлакатларининг унга иқтисодий ёрдамини кенгайтириш лозимлигини айтди. У «Хандельсблат» рўзномасининг сўнгги сонида эълон қилинган мақоласида шуларни таъкидлади: бундай қўллаб-қувватлаш Ғарбий Европа давлатларининг манфаатларига мос бўлиб тушади. Чунки ССЖИда иқтисодий аҳволнинг ёмонлашиши ва беқарорлашиши унинг қўшниларига ҳам салбий таъсир қилади.

Олим ҳамжиҳатликнинг аниқ йўналишлари хусусида гапирар экан, жумладан ядро энергетикасини ҳам тилга олди. Ғарб мамлакатлари, масалан, Чернобилдагига ўхшаш реакторларнинг хавфсизлигини оширадиган ускуналар етказиб беришлари мумкин бўлур эди, деб ҳисоблайди у. Кимё ва ёғочни қайта ишлаш саноати, нефть ва газ қазиб олиш соҳасидаги ҳамкорлик ҳам катта имкониятлар очади.

Озиқ-овқат ва дори-дармон етказиб беришни ташкил этиш мақсадида тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш фавқулодда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу тадбирлар алоҳида аҳамият касб этади, чунки улар истеъмол бозорига яхши таъсир кўрсатади. Айни вақтда Чернобиль фожиаси ва Арманистондаги зилзила жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш чоғида орттирилган аввалги тажриба ва юзага келган муаммоларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Ўшанда тўраларча тўсқинлик қилиш ва амалдорларнинг боқибеғамлиги туфайли кўп вақт бой берилган, юклар жуда кечикиб етказилган эди. Шу сабабдан ГФЖ фирмалари ва ташкилотлари вакиллари ишни янада аниқроқ уюштиришлари учун фақат марказ орқали ҳаракат қилибгина қолмай, айни вақтда жойлардаги ҳокимият идоралари билан алоқаларни дадилроқ ўрнатишлари керак.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ҚАДИМИЙ ИЧИМЛИК

● ИЧИМЛИКЛАР ичида энг қадимгиси бу — пиво экан. Уни биринчи марта эрамиздан аввалги 6 мингинчи йилда қадимги Месопотамия аҳолиси тайёрлаб, истеъмол қилишган.

Ўша пайтда месопотамияликлар фақат арпанинг ўзидан 19 хил турдаги пиво тайёрлашган.

ТЎРТ ФАСЛ ҲАМ БОШҚАРИЛАДИ

● МАЪЛУМКИ, Малайзия иқлими иссиқ ўлка ҳисобланади. Қор бўлмайди. Лекин энди бу мамлакатнинг ҳар бир кишиси қўллари билан қор ушлаши, қаҳратон қиш совуғидан баҳраманд бўлиши, ҳатто яхмалак ўйнаши мумкин.

Чунки машҳур «Букит чераках» миллий боғида 960 квадрат метр кенгликдаги «ҳарорат уйи» қурилди. Бу «уй» тўрт бўлакка бўлиниб, ҳар бирида табиатнинг тўрт фасли сунъий равишда яратилади.

САЙЁРАДА ЭНГ БОЙ ОДАМЛАР

● ЖЕНЕВАДАГИ халқаро омонат банклари институти тарқатган маълумотларга кўра, дунё бўйича энг бой одамлар японлар экан. Улар бу «ёрлиқни» уч йилдан бери ўзларида сақлаб келишмоқда.

Ўтган 1989 йилнинг охирига қадар, ҳар бир япон ўртача ҳисобда 5,7 миллион иен (40 минг доллардан ортиқ АҚШ пул бирлигига тенг) сармояга эга бўлган. Фақат бир йилнинг ўзидагина уларнинг даромади 11 фоизга ўсган.

УЛКАН КЎЗА

● ЯҚИНДА Японияннинг Арита шаҳридаги музейга улкан кўза келтирилди. У ўтган асрда яшаган япон усталари томонидан ясалган бўлиб (бўйи 3 метрга яқин), 1873 йили Венада бўлган аукционда катта пулга сотилганди ва ўшандан бери Лондондаги коллекционер қўлида сақланарди. Энди эса уни Япониядаги «Арт гэллэри сиобидо лимитед» фирмаси 100 миллион иенга сотиб олиб, кўзани ўз ватанига қайтарди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ



Усмон НОСИРнинг сўнгги кунлари

Наим КАРИМОВ

Жаҳон ганжига шоҳ эрур аждаҳо
Ки, ўтлар сочар ҳар ҳангомида.
Алишер НАВОИЙ.

Ачин! Агар фиғон билан зор
Айланолса эди тутунга,
Мен кўрган зулм, мен тортган озор
Бутун ёруғ жаҳонни мозор —
Қилиб, буркаб қўйди тунга!..
Усмон НОСИР.

СЎНГГИ УЧ-ТЎРТ ЙИЛ ИЧИДА қатағон йиллари тўғрисида талайгина мақолалар ёзилди. Аммо бу ҳали ҳам жамиятимиз тарихидаги бу ўта даҳшатли қирғин ҳақида тарих ҳужжатларига асосланган аниқ бир манзарага эга эмасмиз. Мудҳиш даврлар ҳақидаги ҳамон биздан яшириниб ётибди.

Абдулла Қодирий қачон ва қандай маҳв этилган? Чўлпон қаерда отилган? Элбекнинг суяклари Колиманинг қайси жаҳаннамида ётибди?.. Тўғри ДХҚ қайта қуриш йилларида бу муаммоларни ҳал этишда бирма ёрдам қўлини чўзмоқда. Ҳозир мутахассисларда баъзи бир маҳфий ҳужжатлар билан танишиш имконияти мавжуд. Лекин, масалан, бир гуруҳ ёзувчилар суди 1938 йил 5 октябрда бўлиб ўтгани ҳолда уларнинг бир куни илгари — 4 октябрда отиб ташланганлигини қандай тушуниш керак?..

Эҳтимол бу бегуноҳ қурбонларнинг қачон ва қаерда ер тишлаганлари кимлар учундир ортиқча тафсилот бўлиб туюлиши мумкин. Аммо авлодлар жамиятимиз тарихининг бу фожиали даврлари ҳақидаги ҳақиқатдан тўла воқиф бўлиб, Фитрат ё Усмон Носирнинг қачон ва қаерда дафн этилганларини билишлари ва улар хотираси олдида бош эгишлари лозим.

Яқинда ушбу сатрлар муаллифи ССЖИ Давлат Хавфсизлик Қўмитаси ва Ички Ишлар Вазирлиги ёрдами билан Усмон Носирнинг Кемерово вилояти Ички Ишлар Бошқармасида сақланаётган шахсий иши билан танишиш имконига эга бўлди. Бир неча йиллик уринишлардан сўнг эришилган бу имконият оташқалб ўзбек шоирининг сўнгги кунлари ҳақидаги ҳақиқатни озми-кўпми тўла тиклаш имконини берди. Бу нодир ҳужжатлар билан танишишнинг аҳамияти яна шунда бўлдики, Усмон Носирнинг Магадандаги вафот қилганлиги тўғрисидаги ёлғон маълумотни узоқ йиллар мобайнида қайсарлик билан ҳимоя қилаётган кишиларнинг шаҳодатлари узил-кесил рад этилди. Усмон Носирнинг сўнгги кунлари ҳақидаги ҳақиқат бутун фожиавий ранглари билан кўз олдимизда қад кўтарди.

I

...1937 йил 13 июлда НКВД Давлат Хавфсизлиги Бошқармасининг ходимлари Клепов билан Хайрутдинов Тошкентнинг Сталин ноҳияси 2-Бешйиллик кўчасидаги 161-уйнинг эшигини қоқиб, Усмон Носирга шу куни берилган 464-сонли ордерни кўрсатдилар. Бу ордерга мувофиқ Клепов шоирни ҳибсга олиши ва унинг уйида тинтув ўтказиши лозим эди. Мавжуд тартибга кўра, тинтув пайтида маҳалла қўмитасининг раиси Йўлдош Нурмуҳамедов, шунингдек, Усмон Носирнинг ўзи ва ўгай отаси Носирхожи Масодиқов иштирок этдилар. Тинтув натижасида НКВД ходимлари шоирга шахсан тегишли бўлган ЮБ серияли 59973-рақамли бошпурт, Ёзувчилар уюшмасининг 133-рақамли аъзолик паттаси, турли ёзувлардан иборат ён дафтар, 38 та китоб ва рисола, «Бизнинг кўзгу» қўлёзма журнали, Усмон Носир таржима қилган олтита асарнинг машина нусхаси (булар орасида Лермонтов қаламига мансуб «Измаилбей»нинг таржимаси ҳам бор), иккита фотосурат ва бир тугун қўлёзмалар ҳам жиноятга далолат ашёлар сифатида олиб кетилди.

Усмон Носир шу кунёқ НКВДнинг ички маҳбусхонасига келтирилди. Шу куннинг эртасига Бедягин исмли чекист назоратчи Борисенко иштирокида бирламчи тинтув пайтида олинган ашёларни қайта тинтиб, битта жигаранг жомадон (унда Усмон Носирга тегишли буюмлар олиб келинган) ва 40 сўм миқдоридаги пулни мусодара қилади. Шу куни шоирнинг ҳибсга олинганлиги ҳақида анкета тўлдирилади ва у давлат хавфсизлиги лейтенанти IV бўлим бошлиғи Матвеев томонидан 99-хонада биринчи марта сўроқ қилинади. Ушбу йилларда расм бўлган одатга кўра, ҳибсга олинган киши иродасизлантирилиши ва аввалдан унга қўйилган айбларни бўйнига олиши учун «руҳий тайёргарлик» жараёнидан ўтказилиши зарур эди. Бунинг бирдан-бир йўли эса ҳибсга олинган кишиларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш, калтаклаш ва азоб-уқубатга солиш. Уларнинг НКВД ертўласидан омон чиқолмаслигини онгларига сингдириш, уларни қўрқоқ ва ожиз бандаларга айлантириш эди. Усмон Носир ҳам биринчи сўроқда ўзини қандай тутган бўлмасин, терговчи томонидан тузилган қалбаки сўроқ баёнига имзо чекишга мажбур этилган.

Ушбу сўроқ баёни қуйидаги савол-жавоб билан бошланади:

«Савол. Сиз мунтазам аксилинқилобий чиқишларингиз ва советларга қарши тарғиботингиз учун ҳибсга олиндингиз».

(Ҳурматли муштарий, эътибор беринг: терговчи савол бераётгани йўқ, у бор-йўғи Усмон Носирнинг нима сабабдан ҳибсга олинганини эълон қилмоқда).

«Жавоб. Шуни эътироф этаманки, мен сўнгги кунларга қадар миллатчи ва советларга қарши кайфиятдаги киши эдим. Кўпинча ўртоқларим даврасида ва баъзан жамоатчилик ўртасида Коммунистик партия фаолиятига қарши қаратилган миллатчилик ва советларга қарши руҳда сўзлаганман. Аниқ айтолмайман, лекин ўзимнинг советларга қарши хуружларимда халқлар доҳийси шаънига ҳам ёмон сўзларни баён қилган бўлсам ажаб эмас. Мен «аниқ айтолмайман», деяётганимнинг сабаби шундаки, жамоатчилик ўртасида аксилинқилобий фикрлар айтганимда, ҳар доим маст ҳолда бўлардим. Мен ўзбек делегацияси билан биргаликда Москвада ўзбек адабиёти ўнкунлигида бўлганимда, ўзбек делегацияси ССЖИ ҳукумати аъзолари томонидан қабул қилинганидан сўнг ўз хулқ-атворимнинг тўғри эмаслигини тушундим ва сездим ҳамда Ўзбекистон Совет Ёзувчилари уюшмасининг ҳайъатида ўз хатоларимни очиқ айтиб бердим».

Бу парчанинг ўзиёқ, тергов баёнидан кўра, чақув материаллари асосида пухта тайёрланган, аммо ҳақиқатдан олис бўлган ҳужжат эканлигини кўрсатади. Усмон Носир, ўз табиатига кўра, терговчининг юқоридаги туҳматдан иборат сўзларига жавобан ўзига қарши бундай муфассал маълумот берувчи шахс бўлмаган. У мазкур «сўроқнома»га дўқ, пўписа ва қийноқлардан кейингина имзо чекишга мажбур бўлган.

Терговчи биринчи сўроқдаёқ Усмон Носирни советларга қарши аксилинқилобий фаолиятда, шунингдек «халқлар доҳийси»ни ҳақорат қилишда айблашга уринган. Ночор аҳволда қолган шоир эса ўша давр учун бу фавқулодда жиддий айбларни рад этиш иложини тополмаган. Шу тарзда биринчи сўроқнинг ўзидаёқ Усмон Носирнинг «халқ душмани» эканлиги Матвеевнинг назарида тўла исботланган. Бундай осон ғалабадан руҳланган терговчилар орадан бир ҳафта ўтмасданоқ 21 июлда, расмий айбномани шоирнинг бўйнига қўйганлар. Бу айбномада, жумладан, бундай сўзлар бўлган;

«...Носиров Усмон шунда фош этиладики, у советларга қарши миллатчилик кайфиятида бўлиб, жамоатчилик ўртасида кўп марта советларга қарши миллатчилик тарғиботини олиб борган, Совет ҳокимиятининг сиёсати ҳақида жамоатчилик олдида аксилинқилобий-одобсиз бир шаклда фикрлар билдирган, халқлар доҳийси тўғрисида жамоатчилик олдида аксилинқилобий фикрлар айтган. Ўзининг адабий асарларида советларга қарши миллатчилик ғояларини мунтазам равишда олға сурган.

Носиров Усмоннинг қайд этилган ҳаракатлари ЎзССЖ Жиноят кодекси 66-моддасининг 1-қисмига кўра жиноят сифатида жазоланиши лозим бўлгани учун

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Фуқаро Носиров Усмон ЎзССЖ ЖК 66 м. 1 қ. бўйича жиноий жавобгарликка тортилсин ва унга аввалги жазо чораси, яъни ЎзССЖ НКВД ДМУ*сида назорат остида сақлаш қолдирилсин».

Кичик лейтенант Маврин тузган ва Матвеев маъқуллаган бу айбнома билан таништирилгандан сўнг Усмон Носир гарчанд 22 ва 26 июлда Маврин ва Шарипов томонидан, 6 ва 25 августда Трегулов ва Афанасьев томонидан, 7 октябрда эса яна Матвеев томонидан 89, 99, 104 ва 107— хоналарга чақирилган бўлса-да, бу хоналарда нималар содир бўлгани бизга қоронғидир. Усмон Носирнинг жумҳурият ДҲҚсида сақланаётган шахсий ишида бу саналарга оид сўроқ баёнлари учрамайди. Ярим соат-бир соатдан ортиқ давом этмаган бундай чақириқ пайтларида у калтакланган ва таҳқирланган десак, янглишмаган бўламиз.

Шу тарзда азоб-уқубат билан тўла кунлар ва ойлар ўта берган. Ниҳоят, сабр косаси тўлган шоир 25 октябрда НКВД қошидаги маҳбусхона бошлиғи Шишкин номига ариза ёзиб, тўрт ойдан буён сўроққа чақирмай, уни мунтазам равишда қийнаганлари учун очлик эълон қилган. 26 октябрда маҳбусхона бошлиғи содир бўлган воқеа ҳақида барча тегишли маҳкамаларни хабардор қилиб, қуйидаги телефонограммани йўллайди:

«ЎзССЖ Ички ишлар халқ комиссарига
Ички ишлар халқ комиссари ўринбосарига
Ички ишлар халқ комиссари ёрдамчисига
МХБ** бошлиғига
НКВД комендантига
ва НКВД прокурорига

ЎзССЖ НКДВ комендатураси шу нарсани маълум қиладики, ҳисобимиздаги Носиров Усмон 25. X. 1937 да очлик эълон қилди.

Очлик эълон қилишининг сабаблари: 4 ой мобайнида чақирмаганлари учун сўроққа чақиришларини сўрайди...

ЎзССЖ НКВД қошидаги ДХББ*** маҳбусхонаси бошлиғи
(Шишкин)».

Очлик эълон қилиш 30-йилларда авж олган қонунсизлик ва ижтимоий зулм шароитида фавқулода ҳодиса саналган. Бегуноҳ кишилар бекордан-бекорга қамалган ва минг хил азобга гирифтор этилган бир пайтда очлик эълон қилиш ана шу истибдодга қарши курашишнинг ягона йўли бўлган. Буни яхши тушунган НКВД ходимлари очлик эълон қилган маҳбусни бадтар қийнаб, таҳқирлаганлар. Шундай ваҳшиёна тазйиқ натижасида Усмон Носир ҳам ўз аризасини зудлик билан қайтариб олишга мажбур бўлган.

30 октябрда бўлган иккинчи сўроқ баёнига қараганда, Усмон Носир ўзига қўйилган айбларни мутлақо рад этган. Аммо шунга қарамай, ҳибсга олинган бир қанча ёзувчиларнинг қийноқ остида берган гувоҳликлари ва озодликда юрган айрим ҳамкасабаларнинг туҳматларига таяниб, IV бўлимнинг оператив вакили Здерев ва IV бўлимга қарашли V бўлинма бошлиғи катта лейтенант Вжижевский Усмон Носирга қуйидаги айбнома ёзилган қарорни топширганлар:

«...Носиров Усмон 1935 йил бошларидан то ҳибсга олингунга қадар Ўзбекистонни зўравонлик билан ажратиб олиш ва унинг тасарруфида мустақил буржуа-миллатчилик давлатини барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб олган аксилинқилобий-миллатчилик ташкилотида бўлиб, Ўзбекистон адабиётидан аксилинқилобий мақсадларда, аксилинқилобий миллатчилик **ғояларини ташвиқ** этишда қасддан фойдаланмоқчи бўлган ва айни пайтда байналмилал совет асарларини чиқаришга тўсқинлик қилган, масалан, 1936 йилда Носиров Усмон аксилинқилобий миллатчилик мундарижасига эга бўлган «Меҳрим» тўпламини нашр этган, шунинг учун ҳам ЎзССЖ Жиноят-процессуал кодексининг 40-моддасига амал қилиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН...»

Гарчанд бу қарорда ҳам аввалги эҳтиёт чоралари назарда тутилган бўлса-да, шоир энди ЎзССЖ Жиноят кодексининг 57 (1, 10-қисмлар), 63 ва 67-моддаларига кўра айбли деб топилган. Бу қарор билан бирга шу куни Усмон Носирга тергов ишлари тугаганлиги ҳам эълон қилинган ва у Тошкентнинг Алексеев кўчасидаги қамоқхонасига ўтказилган.

НКВДнинг ички маҳбусхонасида ҳам, Алексеев қамоқхонасида ҳам сиёсий маҳбусларга нисбатан шафқатсизларча муносабатда бўлдилар. Маҳбусларнинг ақл-заковати қанчалик баланд бўлса, уларни шунчалик хўрладилар. Саводсиз ё чаласавод терговчи ва назоратчилар ўзлари билан халқнинг ифтихори бўлган кишилар ўртасидаги фарқни шу зайлда бараварлаштирмоқчи бўлдилар. Шу даврда ўрнатилган ижтимоий-ҳуқуқий тузум бу разил омманинг измида бўлди. Ана шу зулм машинаси Усмон Носирни ҳам мажақлаб ташлади.


«Усмон Носир 1937 йилда, мен 1938 йилда қамоққа олинганмиз, — деб эслайди шоирнинг болалик дўсти Иброҳим Назирий. — Орадаги ана шу фарққа қарамай, Тошкент қамоқхонасида у билан ёнма-ён хоналарда турганмиз. У Рауф Бойжонов билан 6-камерада, мен бўлсам 7-камерада ҳибсда бўлдик. Усмон Носир қамоқда бошқа маҳбусларга қараганда кўпроқ азоб чекди. Билишимча, у қийноқ пайтларида уни азоблаётган одамларни ҳам, Сталинни ҳам болахонадор қилиб сўкаверган. Бунга ўчакишган орган ходимлари унга ҳаддан ташқари ваҳшийлик билан азоб берганлар. У шу ернинг ўзидаёқ руҳан ва жисмонан ногирон бўлиб қолди. Бутун ичак-чавоқлари ишдан чиқди. Унинг қай тарзда Колимага етиб борганига ақлим бовар қилмайди».

Иброҳим Назирий айтганидек, маҳбусхона ходимларининг ёвузликларига чидай олмаган шоир улардан чапани сўзлар, болахонадор сўкишлар билан ўч олмоқчи бўлди. Усмон Носирнинг бундай хатти-ҳаракатлари унинг шахсий ишида ҳам қайд этиб борилди.

Тошкент қамоқхонасида ёзилган мана бу қарорга эътибор беринг:

(Давоми бор).

*Дастлабки маҳбуслар уйи.
**Маъмурий хўжалик бўлими.
***Давлат хавфсизлиги бош бошқармаси.



(Усмон Носир. 1937 йил июль. НКВД маҳбусхонасида олинган сурат).

Ҳодиса

ТОҒ ЙЎЛИДАГИ ФОЖИА

Шаҳрисабздан Ҳисорак қишлоғига йўл олган автобус жарликка қулаб тушди. 9 йўловчи ҳалок бўлди, 19 киши касалхонага ётқизилди. Давлат автомобиль назорати хизмати тузган ҳужжатда автобус ҳайдовчиси К. Суюнов «пул ишлаб қолишга» интилганлиги қайд этилган. У Сарчашма қишлоғидан йўловчиларни 20 сўмга олиб бориб қўйишга келишган экан. Машинанинг тўхтатиш системаси ишдан чиққанлиги сабабли фожиа рўй берган.

— Бу фожиа тасодифий воқеалар қаторига кирмайди, дейди Қашқадарё вилоят Давлат автомобиль назоратининг бошлиғи Г. Чирков. — Автобус кетаётган тоғ йўли ҳаракат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайди. Унинг баъзи жойлари бузилиб ётибди. Шаҳрисабздаги 161-автобаза раҳбарларининг ҳам бунда айби бор. Автобуснинг шиналари едирилиб кетган эди.

Давлат автомобиль назорати ходимлари Шаҳрисабз автобазасининг ҳайдовчилари йил бошидан бери 151 марта ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузганлигини қайд этишган. Бироқ, автокорхонада бунга эътибор беришмаяпти. Энг оғир йўлларда ҳайдовчиларни алмаштиришга имкон йўқлиги ҳам корхона раҳбарларини ташвишга солмаяпти. Масалан, К. Суюнов тўрт кеча-кундуз мобайнида муттасил ишлаган, бу эса қоиданинг қўпол бузилганлигини билдиради.

Қашқадарё вилоятининг бошқа йўлларида ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас.

(ЎзТАГ мухбири).

Ёш ижодкорлар анжумани давом этмоқда

УМИД УЧҚУНЛАРИ

Биз ҳамиша яхши кунларни, бахтли тасодифларни кутиб яшаймиз, бир дилкаш дўст топиб кўнглимизни бўшатишга шошиламиз. Бахтиёр чеҳраларни кўрсак, беихтиёр бизнинг юзимизга ҳам табассум югуради.

Куни-кеча Ҳамид Олимжон номидаги Ўзбекистон Ёзувчилари уйида жумҳурият ёш ижодкорларининг VI анъанавий семинар-кенгаши очилди. Мен бу маросимда қатнашиб бир-бирлари билан хаёлан ҳамдард бўлган дўстларнинг дийдорлашувини кўрдим, улкан адиблар билан ёш қалам соҳибларининг учрашувини кузатдим. Бу даврада Ўзбекистонимизнинг бугунги адабиёти бутун бўй-басти билан намоён бўлди десам, сира муболаға бўлмас. Кечага 17 яшар Ҳуршида Эшонқуловадан тортиб, 70 ёшли Мирмуҳсин домлага қадар, қўйингки, эл суйган ижодкорларнинг ҳамма-ҳаммаси жон-диллари билан ташриф буюрдилар.

Дастлабки сўз Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг биринчи котиби, ССЖИ халқ депутати — севимли адибимиз Одил Ёқубовга берилди:

— **Буюк халқ бўламан деган элнинг буюк фарзандлари, халқ кулса, куладиган, йиғласа йиғлайдиган адиблари, шоирлари бўлиши керак. Ҳар қандай даврда, ўша қатағон йилларида ҳам катта адабиёт яратишга ҳаракат бўлган ва бундан кейин ҳам бўлаверади. Сизлар — бахтли ижодкорларсиз! Қўлларингизда кишан йўқ. Катта-катта гапларни бемалол айтишингиз мумкин. Эркинлик жуда катта имкониятдир. Даҳо адиблар бир кунда ёки бир неча йилда яралмайди. Лекин ярқираган асарларимиз ҳозир ҳам жуда кўп. Биз бу кенгашда танлаб олинган сара асарларнинг ҳаммасига йўл очиб беришга ҳаракат қиламиз...**

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Азиз Носиров ҳам ёшларни чин дилдан қутлади:

— **...Халқимиз бир хазина бўлса, сиз ўша хазинанинг энг ноёб дурдоналарисиз. Мақсадимиз мана шу бойлигимизни элга кўз-кўз қилиш...**

Азиз Носиров МУАЛЛИФНИНГ БИРИНЧИ КИТОБИ учун Усмон Носир номидаги мукофотнинг таъсис этилганлиги, «Ёш гвардия» нашриёти билан янги очиладиган босмахона ҳамкорлигида ёш ижодкорларга хизмат қиладиган «КАМАЛАК» бирлашмасининг тузилганлиги, айниқса, Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасининг маблағидан бир миллион сўм пул ажратилиб ёш қалам соҳиблари учун ётоқхона қуриш режалаштирилаётгани ҳақида гапираётганда, мажлис аҳлининг кўнглига умид учқунлари сочилгандек бўлди. Бу улуғ мақсадлар тезроқ амалга ошсин деб, биз ҳам ният қилдик.

Ёзувчи Евгений Березиков ўзбекча оҳангда шу қадар самимий гапирдики, назаримда унинг рус тилида сўзлаётганини ҳеч ким сезмади. Русча гаплар орасида жаранглаган ўзбекча сўзлар адибга янада улуғворлик бағишлагандек бўлди:

— **...Бу ер сиз учун ҳам, биз учун ҳам муқаддас саждагоҳдир. Мен ҳозир Сизнинг даврангизда худди қаймоқ ялаётгандек, қимиз, чалоп ичгандек маза қилаяпман!..**

Ёш ижодкорларнинг анъанавий кенгашида 100 га яқин йигит-қизлар қатнашмоқда. Лекин ишончимиз комилки, Ўзбекистонда қалам тебратаётган ёшларнинг сони анча кўп. Шунинг учун ҳам биз кечада айтилган яхши гапларни барча ҳамюртларимизга ҳам илиниб, уларнинг ҳам кайфиятларига кайфият қўшгимиз келаяпти.

500 минг нусхада чоп этилиш арафасида турган «ЁШ КУЧ» ойномасининг бош муҳаррири ёзувчи Худойберди Тўхтабоев ҳам сўз олди:

— **...Бугунги ёшлар инқилобий уйғонган ёшлардир. Биз улардан ҳар куни ўртача 300 тадан мактублар оламиз. «ЁШ КУЧ»ни сизлар ташкил этдингиз. Бундан кейин ҳам ойномамиз сизларники бўлиб қолади. Биз қатнашган кенгашларда устоз Ғафур Ғулом шундай деган эдилар: «Эй, болалар! Бу эшикдан қувиб юборишса, нариги эшикдан «Ассалому алайкум» деб кириб келаверинглар!» Сизлар ҳам шундай қилинглар. Зўр келса, бизни суриб чиқарасизлар. Адабиёт берилмайди, адабиёт — фақат олинади!**

Кечада «ГУЛИСТОН» ойномасининг бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукрулло, жумҳурият ёзувчилари уюшмасида ташкил этилган таржима марказининг бўлим мудири шоир Жамол Камоллар ҳам сўзга чиқиб, ёшларга энг яхши маслаҳатлар ва энг эзгу тилакларини айтдилар. Аъзам Ўктам эса ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳақида куйиниб гапирди.

Ўзбекистон Ёзувчилари уйи ҳар доимгидан ҳам гавжум. Дўрмонда ёшлар яшаяпти. Баҳслар, мушоиралар кўнгилларни кўнгилларга боғлаш учун кўприк бўлмоқда. Хуллас, ёш ижодкорларнинг ҳаётида ғанимат дамлар кечмоқда.

Биз эса бу хушнуд танаффуслардан сўнг улкан асарлар дунёга келади деб умид қилаяпмиз..

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,
«Ёш ленинчи» мухбири.

ТВ

17 НОЯБРЬ — ШАНБА

● ЎзТВ I

ХАЛҚАРО ТАЛАБАЛАР КУНИ

8.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

9.00 «Виринея». Бадиий фильм («Ленфильм»). 10.50 «Шийпондаги учрашувлар». 11.55 Спорт программаси: 1. «Шахмат мактаби». 2. «Саломат бўлинг!». 12.55 «Раққоса Гулчеҳра Юсупова». Фильм-концерт. 13.40 «Фанга бағишланган умр». Академик Ш. З. Ўразаев. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунининг 70 йиллигига.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Сеҳрли самовар». Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Юлдуз Усмонова куйлайди. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ҳафтанома». 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ ҳофизи Очилхон Отахонов. 23.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Манчжурия услуби». Бадиий фильм («Қозоқфильм»). 00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савту калом». Адабий-мусиқий кўрсатув. 9.55 Бизнинг хазинамиздан. «Жомий ва Навоий». Телевизион спектакль. 12.15 «Фудзияманинг забт этилиши». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Лабиринт». Мактаб ўқувчилари учун кўрсатув. 18.45 «Нима учун филлар?» Мультфильм. 19.00 «Новости». 19.20 Эрон телевидениесининг «Мавлоно» дастаси бизнинг меҳмонимиз. 20.05 «Мулоқот». Тожикистоннинг чет мамлакатлар билан маданий алоқалари. 20.30 «Ахбор». 20.50 Концерт. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Фудзияманинг забт этилиши». Бадиий фильм.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Сиз яратган боғ». 9.35 «Партнёр». 10.05 «Бейсбол, жирафалар, рус кантриси ва бошқа кўп нарсалар». 3-кўрсатув. 11.05 «Дўстлик меридианлари». Совет греклари маданияти ва санъати I Бутуниттифоқ фестивали. 12.05 «Прогноз». 12.35 «Пушкин майдони». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.45 «Сизларнинг номларингиз нимани англатади?». Таниқли шоирлар, композиторлар ва ижрочилар билан концерт-учрашув. 14.05 «XX аср. Ташвишли давр хроникаси». Кинопрограмма. «Испания: жумҳурият нури ва сояси». Бадиий-публицистик фильм премьераси (М. Горький номли киностудия). 15.15 «Ҳайвонот оламида». 16.45 Режиссёр И. Селезнёва фильмлари. Кундузги поезд» («Экран»). 18.30 «Халқаро панорама». 19.15 «Остонамга эртак келди». Мультфильм. 19.25 ССЖИ ҳукуматида. 19.40 «Кёльнда энг яхшиси». ВДР (ГФЖ) телевидение студияси оқшоми. «Истакларнинг рўёбга чиқиши». Концерт. «Атом ўзи нима?». Болалар учун кўрсатув. «Гугуртлар». Мультфильм. «Хоббитека». «Нон қандай ёпилади». 21.30 «Вақт». 22.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида. 22.15 Тамара Вольская чалади (домра). 22.25 Россиянинг парламент хабарномаси. 22.40 ВДР (ГФЖ) телевидение оқшомининг давоми. Ҳаммага мўлжалланган мультфильм: «Қурбақалар қироли». Мюзикл юлдузи Ута Лемпер гримда ва гримсиз». «Уй ва боғ». «Омад шамоли, Борис Беккер». Ўткир сюжетли детектив: «Мольтке». «Формула-1». «Хит-парад». 01.40 «ТСН».

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»

«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ
Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Д. — 28616.